



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**

АХБОРОТНОМАСИ

№ 5–6 (42–43)

2016

Тошкент – 2016

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
АХБОРОТНОМАСИ**

2016 йил №5–6 (42–43)-сон

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги Оммавий ахборот
воситаси давлат рўйхатидан
ўтказилганлиги тўғрисида
гувоҳнома № 0838**

1999 йилдан чиқа бошлаган

**Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**

**Материаллар ҳар бир сонда
ўзбек ва рус тилларида
босилади**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ

Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Жавлон АБДУЛЛАЕВ
Олимжон АБДУНАЗАРОВ
Комилжон АДИЛОВ
Отгалди БОБОЖОНОВ
Гайрат МАШКУРОВ
Эсон РАЖАБОВ
Жанабай САДИКОВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Темир ШИРИНОВ**

БОШ МУҲАРРИР

Низомиддин НУРМАТОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100078, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони, 6.
www.elections.uz
e-mail:saylov@umail.uz
Телефон: 239-43-91

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.
Босишга 2016 йил __ октябрда рухсат этилди.
Бичими 60×84¹/₈. Офсет қоғози. «Times»
гарнитурасида офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 33,59. Нашр табоғи 21,48.
Адади 500 нусха. Буюртма № 16-808.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-магбаа ижодий уйи.
100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

МУНДАРИЖА

**«Сарвар Садуллаевич Отамуратовни Ўзбекистон
Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга
олиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марка-
зий сайлов комиссиясининг Қарори**

5

**«Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон
Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга
олиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марка-
зий сайлов комиссиясининг Қарори**

6

**«Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновни Ўзбе-
кистон Республикаси Президентлигига номзод этиб
рўйхатга олиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг Қарори**

7

**«Наримон Мажитович Умаровни Ўзбекистон Рес-
публикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга
олиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марка-
зий сайлов комиссиясининг Қарори**

8

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод
Сарвар Садуллаевич Отамуратовнинг таржимаи ҳоли ва
дастури**

9

**«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ном-
зод С.С.Отамуратовнинг ишончли вакиллари
рўйхатга олиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг Қарори**

22

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод
Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг таржимаи ҳоли ва
дастури**

24

**«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ном-
зод Ш.М.Мирзиёевнинг ишончли вакиллари
рўйхатга олиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг Қарори**

40

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод
Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновнинг таржимаи
ҳоли ва дастури**

42

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Х.А.Кетмоновнинг ишончли вакиллари рўйхатга олиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

53

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаровнинг таржимаи ҳоли ва дастури

55

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Н.М.Умаровнинг ишончли вакиллари рўйхатга олиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

69

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

71

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглار ўтказиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

83

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар концепцияси

97

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан айрим округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

101

«Оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

103

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенати аъзоси А.Омановнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

106

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

107

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастури»да белгиланган тадбирларнинг ижроси тўғрисида»ги қарорига

Ўзгартиришлар киритиш ҳақида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

110

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир таклифноманинг намунаси ва унинг тавсифини тасдиқлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

115

«Оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

118

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

120

САЙЛОВ – 2016. ХРОНИКА

122

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**САРВАР САДУЛЛАЕВИЧ ОТАМУРАТОВНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Сарвар Садуллаевич Отамуратовни** рўйхатга олиш учун тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан кўрсатилган **Сарвар Садуллаевич Отамуратов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
760-сон.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Шавкат Миромонович Мирзиёевни** рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилган **Шавкат Миромонович Мирзиёев** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
761-сон.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ХАТАМЖОН АБДУРАХМОНОВИЧ КЕТМОНОВНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновни** рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган **Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
762-сон.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**НАРИМОН МАЖИТОВИЧ УМАРОВНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Наримон Мажитович Умаровни** рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган **Наримон Мажитович Умаров** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
763-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД
САРВАР САДУЛЛАЕВИЧ ОТАМУРАТОВНИНГ
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ**



ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Садуллаевич Отамуратов 1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий, Тошкент давлат университети фалсафа-иқтисодиёт факультетининг социология бўлимини, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Социология фанлари номзоди.

1995–2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Валюта-иқтисод бош бошқармасида етакчи иқтисодчи, бош иқтисодчи, бўлим бошлиғининг ўринбосари, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бошқарма бошлиғи лавозимларида, 2006–2009 йилларда суғурта компанияларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

2009 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган.

2010–2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган.

2013 йилда Сарвар Отамуратов Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси этиб сайланган.

Унинг бевосита раҳбарлигида партиянинг кадрлар таркиби мустаҳкамланди, худудий партия ташкилотларининг аҳоли билан ишлаш борасидаги фаолияти такомиллаштирилди, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг жойларда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш бўйича фаолияти кучайтирилди.

2015 йилдан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Фракция раҳбари лавозимида депутатларнинг ижтимоий ва ахборот соҳаларини ислоҳ этишга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, марказ ва жойларда самарали депутатлик назоратини амалга оширишга доир тизимли фаолиятини ташкил этди.

Сарвар Отамуратовнинг глобаллашув шароитларида ўзликни англашни кучайтириш, фуқароларда, айниқса ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва бошқа долзарб мавзуларга бағишланган қатор рисоалари, ўқув-услубий қўлланмалари ва мақолалари чоп этилган.

Оилали, икки фарзанди бор.

ДАСТУР

Ўзбекистон бугунги кунда мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимга эга замонавий давлат сифатида дадил ривожланиш йўлидан бормоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилди. Халқимиз қалби, онгу тафаккурида фуқаролик ҳисси ва масъулияти ҳамда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари таъсири ошиб, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар яратилди.

Халқаро миқёсда эътироф этилиб, бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида ислохотлар бардавомлигини таъминлаш, бошланган улуғвор ишларга жўшқин суръат бахш этиш учун мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга эришишда тўпланган тажрибалар, улкан тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг мақсадимиз – **миллий тикланишдан миллий юксалишга эришиш** ғоясини амалга ошириш, ички сиёсатда иктисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, халқимизнинг фаровонлиги ошишига эришиш, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдир.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

I. Маънавий-маърифий соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз. Чунки ўзлигини англаган, қадрият ва анъаналарини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иктисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутаяди.

Биз доимо миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва кадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берганмиз ва бундан буён ҳам ушбу ҳаётий масалалар диққат марказимизда бўлади. **Миллий тикланиш, авваламбор, миллий ўзликни англаш демакдир.** Ушбу ғоядан келиб чиқиб, биз қуйидагиларни қўллаб-қувватлаймиз:

– халқимизнинг бетакрор ва улуғвор тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш. **Миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси – бош вазифамиз;**

– «**Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ**» тамойили асосида халқимиз тарихини холис ва тизимли ўрганиш, бу борада ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашувларга, ноҳолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихининг бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашиш;

– маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, ҳисобга олиш ишларини такомиллаштириш, музейлар, архивлар, кутубхоналарда ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларини тўлиқ тоифалаштириш, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш;

– ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси ва маданий ёдгорликлари умумжаҳон аҳамиятига молик эканлигини эътироф этиб, шаҳарларимизнинг миллий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, қайта таъмирлашга кўмаклашиш ва бугунги кунгача уларнинг ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига кирмаганларини унга киритишга қаратилган Давлат дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш;

– туристик фаолият билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобидан моддий маданият меросини қайта тиклаш ва капитал таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш;

– мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган ўзбек алломалари, мутафаккирлари ва ёзувчи-шоирлари томонидан яратилган илмий ва бадиий асарлар ҳамда халқимиз тарихига оид моддий бойликларни Ўзбекистонга қайтаришда фаоллик кўрсатиш;

– ўзбек халқининг юксак маданияти ва истеъдодини намойиш этадиган ва эстетик қимматга эга бўлган миллий ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг анъаналарини сақлаб қолишни рағбатлантириш;

– «**Баркамол авлод – миллат таянчи**» тамойили остида биз ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг қалби ва онгига миллий тикланиш ғоясини сингдириш, келажакимиз эгаларини миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялаш. Бунда кино, театр ва эстрада санъатида халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи, маданияти, анъаналари ва илғор урф-одатларини таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этадиган асарларнинг дунёга келишига кўмаклашиш ҳамда уларни тарғиб қилиш асосий вазифамиздир;

– қадимий ва бой тарихга эга, мустақиллик туфайли кадр-қиммати тикланган, ҳозирда кечаётган глобаллашув даврида замонавий тараққиётнинг барча соҳалари талабларига жавоб берадиган даражада имкониятга эга бўлган тилимиз ривожини янги босқичга кўтариш учун давлат тилини бойитиш, янада такомиллаштиришга, давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш ва унинг тўла амал қилишига эришиш, тил маданиятини янада юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

– фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш. Ушбу соҳада махсус комиссия тузишни режалаштирмақдамиз;

– оммавий муомалада, кўчаларда жойлаштирилган ташқи ёзувларда, реклама ва эълонларда, оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ҳозирда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маърифий ва маънавий эҳтиёжларини зарур даражада қондириш учун фаннинг барча соҳалари, таълим, адабиёт ва матбуотда лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида китоблар, газета ва журналлар етарли даражада нашр қилишни тубдан кучайтириш;

– халқимизнинг маънавий ривожини ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мурувват, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик каби миллий хусусиятларимиз тарғиботига асосланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, ҳозирги Ўзбекистон заминида яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кино асарлар яратилишида ташаббус кўрсатиш, бу борадаги ишларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш, шу жумладан, хорижий киностудиялар билан ҳамкорликда, таниқли режиссёр ва актёрлар иштирокида уларни бутун дунё жамоатчилигига етказиш;

– халқимиз, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг бой ахборот-кутубхоначилик фондини кўпайтириб бориш;

– тарихда хорижий мамлакатларда яшаб ижод этган ҳамда юртимизда туғилиб, тақдир тақозоси билан чет элларда вафот этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг қабрларини аниқлаш, уларнинг мангу кўним топган масканларини ободонлаштириш;

– ижтимоий-гуманитар фанларнинг мамлакатимиз тараққиёти ва ёш авлодимизнинг дунёқарашини шакллантиришдаги ўта муҳим имкониятларидан фойдаланиб, уларни ватанпарварлик, миллатпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялаш ҳамда миллий манфаатларимизга зид бўлган ғоя ва мафкураларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда бу йўналишда тайёрланадиган фундаментал асарларни босмадан чиқаришни ва уларнинг оммавийлашувини қўллаб-қувватлаш;

– жамият, оила ва таълим тизимида ёш авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

– болаларнинг рухий-маънавий дунёсини ва маданий савиясини ўстириб бориш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг яхши асарлари билан ошно бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– нафақат миллий, балки жаҳон мусиқа санъатининг кўпдан-кўп йўналишларини ҳам чуқур ўрганиш ва ютуқларини ўзлаштириш, санъаткор, айниқса ёш хонанда ва созандаларимизнинг халқаро нуфузли танловлар ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишига эришиш.

– **Биз маънавий-маърифий ҳаётимизни янада ривожлантириш тарафдоримиз.** Бунда театрнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда театрга одамларни қайтариш учун, энг аввало, замондошларимизни ўйлантираётган ва тўлқинлантираётган мавзуларда бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан саҳналаштирилган спектаклларни кўпайтириш, одамларда, айниқса ёшларда театр томошаси маданиятини ўстириш ва энг муҳими, мамлакатимизнинг барча театрларида «Очик эшиклар куни»ни ташкил этиш;

– кексаларга ҳурмат, ўзаро ҳамжиҳатлик, болаларга ғамхўрлик каби халқимизга хос оилавий анъаналаримиздан келиб чиқиб, мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга кўмаклашиш;

– оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб қолаётган нохуш ҳолатлар (тўй маросимларини ўта дабдабали қилиб ўтказиш ва исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирлар)га барҳам беришга қаратилган ишларда фаол иштирок этиш.

II. Мамлакат ва халқимизнинг тарихан ҳамда истиқлол йилларидаги давлатчилик, фуқаролик жамияти, анъаналари ва замонавий демократик қадриятларни ўзида мужассам этган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этадиган **Сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳасида** зиммамизга қуйидаги вазифаларни олмоқдамиз:

– мавжуд давлат ва сиёсий тизимни янада мустаҳкамлаш, миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини таъминлаш. Бизнинг бош мақсадимиз – замонавий ривожланган демократик давлат қуриш;

– жамиятда ҳукм сураётган ва халқимизга хос бағрикенглик, миллати, дини, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқи, барча фуқароларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш;

– асрлар давомида ўзбек халқининг энг эзгу ва илғор анъаналари асосида тарихан қарор топган маҳаллани миллий демократик институт сифатида

янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларини ҳал этишда ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одат ва анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда маҳалланинг ролини кучайтириш;

– жамиятда мустаҳкам барқарорлик ва қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция, инсон ҳуқуқлари ва демократия асосларини узлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш;

– миллий қадрият ва халқимизга хос фазилат ҳамда анъаналардан келиб чиқиб оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш, шунингдек фуқароларнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истаги йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органлари, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш.

Ш. Иқтисодиёт соҳасида партиямиз шиори – **«Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши – иқтисодий ислохотларнинг негизидир»**. Ушбу соҳада қуйидаги вазифаларни амалга оширамиз:

– иқтисодиётга ХХІ аср талаблари ва тафаккури асосида ёндашувни амалга ошириб, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек мамлакатимизнинг турли минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловларда имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш;

– дунё бозорида рақобатбардош ҳамда миллий иқтисодиётимиз тимсолига айланадиган трансмиллий компанияларни шакллантириш, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш ва хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш;

– мамлакатимиз пойтахти ва ҳудудларни, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантиришга, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ҳудудлар бўйича айрим номутаносибликларга барҳам бериш;

– Ўзбекистон мураккаб географик ўрни туфайли денгизга чиқиш имкониятига эга эмаслиги ва логистика инфратузилмасининг сустривожланганлигидан келиб чиқиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва ташқи бозорда маҳсулотларимизнинг таннархини тушириш имконини берувчи транспорт-экспедиторлик компанияларга солиқ имтиёзлари ва преференцияларни бериш, йирик юк ташувчи автомобилларни лизингга бериш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган Дастурни қабул қилиш ва амалга ошириш;

– миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш;

– халқимизни ва, айниқса, ёшларнинг бевосита юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий ва сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, енгил ва ихчам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш, уларга маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаш;

– давлат компаниялари ва давлат улуши устунлик қиладиган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти шаффофлигини таъминлаш орқали уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш;

– ички хусусий инвестицияларни миллий иқтисодиётга йўналтиришни янада кенгайтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

– миллий иқтисодиёт ривожини етук мутахассис-кадрларга боғлиқ эканлигини англаган ҳолда замонавий билим ва малакага эга инженер-техник, молия-иқтисод, корпоратив бошқарув менежментлари, ахборот технологиялари соҳасида дастурчиларни тайёрлашни тубдан кучайтириш ва мазкур соҳалардаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш.

Маълумки, Ўзбекистон кўп асрлик тарихга ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Туризм иқтисодиётнинг янада ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутаяди, кўшимча иш ўринлари яратилишига, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини оширишга, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиладиган, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига туртки бўлиб, янада оммавийлашади. Туризм айти пайтда маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда кучли восита бўлиб ҳам хизмат қиладиган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб оладиган Комплекс чора-тадбирлар режасини амалга оширишни таклиф этамиз:

– сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштиришни, сайёҳлик индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш;

– хорижий меҳмонлар ва мамлакатимиз аҳолиси учун юртимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилаш;

– алоҳида кўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш.

IV. Аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини ошириш – ижтимоий соҳадаги стратегик мақсадимиз. Шундан келиб чиқиб, асосий вазифаларимиз куйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

– бугун бутун дунёда долзарб аҳамият касб этаётган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган Давлат дастурини қабул қилиш ва унда аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш;

– эрта турмуш ва эрта туғуруқларнинг олдини олиш борасида аниқ ва таъсирчан чоралар кўриш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари, жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолида эрта никоҳга нисбатан муросасизлик туйғусини шакллантириш;

– жамиятда аёлларнинг етакчилик қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашувчи сиёсий етакчилар мактаби тармоғини яратиш, давлат бошқаруви ишида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш;

– миллат генофондини асраш ва соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида ўсмир йигит-қизларимизга соғлиғи учун зарарли бўлган қувват берувчи ичимликларни сотишни чеклаш ва бу борада маърифий тушунтириш ишларини тизимли йўлга қўйиш. «Халқи соғлом ва баркамол ривожланган мамлакат кучлидир!» тамойилига амал қилишни изчиллик билан ривожлантириш;

– қурилиш ва безак ишларида миллий меъморлик анъаналарини ва илғор хорижий тажрибани қўллаш, тарихий шаҳарлар ва очик осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш;

– йўловчиларга, жумладан мамлакатимизнинг олис ва етиб бориш қийин бўлган жойлари аҳолисига транспорт хизмати тизимини яхшилаш,

касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари учун имтиёзли транспорт қатновини таъминлаш;

– аҳолининг электорат қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш;

– оила ва оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш мақсадида қонунчилигимизни янада такомиллаштириш;

– шаҳарларимизнинг архитектура қиёфасини янада яхшилаш, республикамизнинг барча бурчакларида, айниқса кўп қаватли уйларда, уй-жой фондиди техник эксплуатация қилиш норма ва қоидалари бузилишининг олдини олиш мақсадида уй-жой соҳасидаги қонунчиликнинг бажарилиши устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш;

– маданият муассасалари, «Баркамол авлод» болалар марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари, шу жумладан, олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ жойларни ривожлантириш учун бюджетдан маблағ ажратишни кўпайтириш;

– таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга кўмаклашиш;

– маҳалланинг фуқаролар, ўғил-қизлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш;

– болалар, аёллар, шунингдек оғир касалликлар, шу жумладан, одам иммунитетини танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклар (ОИВ/ОИТС)дан азият чекувчи шахсларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш, улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

V. XXI аср – ахборот асри сифатида майдонга чиққанлигини ҳисобга олиб, ахборот соҳасида миллий манфаатларимиз ҳамда халқимиз маданияти ва маънавиятининг ўзига хослигини сақлашни таъминлашга қаратилган миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш ўта муҳим вазифа сифатида майдонга чиқмоқда. Мазкур вазифани амалга ошириш учун қуйидаги масалалар долзарб аҳамиятга эга:

– миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини

ҳал этиш. Ривожланган миллий ахборот макони – мустаҳкам тараққиёт пойдевори эканлигини ҳисобга олиб, унинг изчиллик билан такомиллашувига эришиш;

– аҳоли, айниқса қишлоқ жойлардаги фуқароларнинг юқори даражада ахборотга эга бўлишини таъминлаш;

– идоралараро ва идора мажмуаларининг ахборот тизимларини бирлаштирувчи миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини, айниқса Интернет тармоғининг миллий сегментларини ривожлантириш;

– ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш;

– ижтимоий онгда миллий ғоя шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини ахборот жиҳатдан таъминлашни янада кучайтириш, ҳар бир фуқаронинг онгига, маънавий дунёсига мамлакатимизда озод ва обод ҳаёт барпо этиш – бош мақсадимиз эканини кенг миқёсда ва чуқур сингдириб бориш;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти бўйича «ошкоралик индекси» мониторинги тизимини вужудга келтириш, ушбу жараёнга фуқаролик жамияти институтларини кенг миқёсда жалб этиш.

VI. «Дунёда ҳеч бир нарса мамлакатни, миллатни спортчалик дунёга тез танитмайди, машҳур қила олмайди» тамойили асосида спортнинг барча турлари, айниқса олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган ҳамда миллий турларини ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш етакчи вазифамиздир:

– бунда, энг аввало, жаҳон миқёсида ўзбек спортчилари эришаётган оламшумул ютуқлар халқ ва миллат ғурури ўсишига хизмат қилиши, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда одамларни ягона мақсад сари бирлаштирувчи хусусиятини тизимли равишда кенг тарғиб қилиш ҳамда Ватанимиз ифтихорлари бўлган спортчилар ҳаёт йўли ҳақида тарбиявий аҳамиятга эга ҳужжатли ва бадиий фильмлар, илмий-оммабоп асарлар яратишни янада кучайтириш;

– **«Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт – қудратли бўлур»** шиори остида мамлакатимизда кенг қулоч ёйган ва умуммиллий вазифага айланган болалар спортини ривожлантириш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш, болалар ва ёшларнинг кенг кўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– ёшларни уч босқичли тизимдаги оммавий спортга – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларига жалб этишни янада ривожлантиришга, шунингдек мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишига кўмаклашиш;

– миллий кадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ва бугун дунёнинг 130 га яқин мамлакатада кураш федерациялари ташкил этилганлигини ҳисобга олиб, ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш мақсадида Халқаро кураш федерацияси, Халқаро ва Миллий олимпия қўмитаси билан алоқани ҳар тарафлама мустаҳкамлашни бу борадаги энг асосий вазифаларимиз деб биламиз.

VII. Ташқи сиёсат соҳасида биз Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслигини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини бугунги мураккаб шароитда, минтақада хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар сақланиб қолаётган бир вазиятда амалга оширмакда, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, унинг маънавий-ахлоқий анъаналари ва кадриятлари, жаҳон маданиятига қўшган бекиёс ҳиссаси республиканинг замонавий халқаро муносабатларда, фаол ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда тенг ҳуқуқли субъектга айланишининг асосий ва муҳим воситаси бўлди.

Биз буюк аллома ва мутафаккирлар Ватани, улкан ва ноёб бойликлар, иқтисодий ва ақлий салоҳиятлар эгаси бўлган Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузи ва обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлида фаолият олиб боришни энг муҳим вазифамиз деб биламиз.

Самарали ташқи сиёсатни амалга оширишда партиямиз сайловолди Дастурида белгилаб қўйилган қуйидаги вазифалар тарафдоримиз:

– ташқи сиёсат ва давлат бошқарувининг бошқа органлари фаолияти доирасида миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш. Бизнинг шиоримиз – **миллий манфаатлар ҳар нарсадан устун;**

– Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш;

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хорижий давлатларда ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

– бошқа давлатлар томонидан уюштирилаётган ахборот хуружларига қарши курашишнинг самарадорлигини таъминлаш;

– Ўзбекистоннинг айрим шериклар ва мамлакатлар гуруҳига боғлиқлигини камайтириш мақсадида иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа хилдаги алоқаларни кенг кўламда диверсификация қилиш;

– мамлакатимизнинг ишончли, сиёсий ва савдо-иқтисодий соҳаларда масъулиятли шерик сифатида халқаро миқёсдаги имижини мустаҳкамлаш;

– инсоният тамаддунининг қадимги трансчегаравий йўналиши бўлган Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, иқтисодий, сиёсий ва маданий-инсонпарварлик соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, кучли «Буюк Ипак йўли» брендини илгари суриш.

Бизнинг асосий ғоямиз – Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимизнинг бундан буён ҳам гуллаб-яшнашига бор куч-қудратимизни бағишлаш орқали жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

Биз учун ягона ва устувор мақсад – бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД
С.С.ОТАМУРАТОВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Сарвар Садуллаевич Отамуратовнинг** тақдимномасига биноан ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 29-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **С.С.Отамуратовнинг** ишончли вакиллари этиб рўйхатга олинсин:

Романов
Тажибай Ниетуллаевич

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

Мамитова
Садбархон Неъматжонова

Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори

Ҳамроев
Саиджон Саноевич

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Бухоро вилояти Кенгаши раиси

Назарқосимов
Сарвар Инатиллаевич

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Жиззах вилояти Кенгаши раисининг ўринбосари

Бобомуродова
Анора Явқочтиевна

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Навоий вилояти Кенгаши раисининг ўринбосари

Мамадалиев
Одилжон Тоирович

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Наманган вилояти Кенгаши раиси

Аббасов
Субхон Бурхонович

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Самарқанд вилояти Кенгаши раиси

Соатов
Норбобо Холиярович

Ўзбекистон Республикаси «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари

Худайкулов
Баходир Абдукаримович

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси

Насимов
Шухрат Алибоевич

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари

Джабборов
Умиджон Рахмонович

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Фарғона вилояти Кенгаши раиси

Тўрабоева
Муҳаббат Норбоевна

«Ишонч» газетасининг Хоразм вилояти бўйича мухбири

Махматмўминов
Сайфулла Набиевич

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси

Мухитдинова
Феруза Абдурашидовна

Тошкент давлат юридик университети «Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи» кафедраси доценти

2. Ишончли вакилларга белгиланган тартибда гувоҳнома топшириш Марказий сайлов комиссияси Котибияти бошлиғи С. Қурбанкулов зиммасига юклатилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
765-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД
ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ**



ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Шавкат Миромонович Мирзиёев 1957 йил 24 июлда Жиззах вилояти-нинг Зомин туманида шифокор оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Олий маълумотли, 1981 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тугатган. Муҳандис-механик мутахассислигига эга. Техника фанлари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бошлаб, кичик илмий ходим, катта ўқитувчи, доцент, ўқув ишлари бўйича проректор лавозимларида ишлади.

1990 йили Республика Олий Совети депутатлигига сайланиб, айти вақтда Мандат комиссиясининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

1992 йилда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокими лавозимига тайинланди. 1996–2001 йилларда Жиззах вилояти ҳокими, 2001–2003 йиллар мобайнида Самарқанд вилояти ҳокими лавозимларида ишлаб, мазкур туман ва вилоятларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Ижро ҳокимиятидаги фаолияти билан бир пайтда 1995–2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати сифатида ҳам мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда демократик ислохотларни амалга ошириш борасидаги муҳим қонун ҳужжатларини

ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиб, самарали фаолият олиб борди.

Ш.М. Мирзиёев 2003 йилда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири этиб тасдиқланди ва ушбу лавозимга яна уч марта – 2005, 2010, 2015 йилларда Олий Мажлис палаталари томонидан қайта тасдиқланди.

Ш.М. Мирзиёев мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг юксак ишончини қозониб, унинг яқин сафдоши ва маслакдоши сифатида самарали фаолият олиб бормоқда.

Ш.М. Мирзиёев Ҳукумат бошлиғи сифатида кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, йирик ва ноёб лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш, хусусий мулкни устувор даражада ривожлантириш, иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кескин ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлашда ўзининг юксак салоҳияти ва моҳир ташкилотчилик қобилиятини намоён этди.

Мамлакат иқтисодиётини индустриал ривожлантириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш, аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш, айниқса фермерлик ҳаракатини тараққий топтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, республикада озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолини кафолатланган ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини олиб бориш, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, республиканинг шаҳар ва туманлари, айниқса узоқ қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш ва меҳнат шароитини тубдан яхшилашга қаратилган кенг кўламли ва самарали тадбирларни амалга оширди.

Ш.М. Мирзиёевнинг фаолиятида социал-иқтисодий масалалар билан бир қаторда таълим, фан, соғлиқни сақлаш тизимларини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болаликни кучли муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида муҳим ўрин эгаллади.

Ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб институти бўлган маҳалланинг нуфузи ва обрўсини янада ошириш, шунингдек бошқа жамоат ташкилотларини демократик ислохотларга кенг жалб этиш орқали жамиятда уларнинг мавқеини мустаҳкамлаш, миллий маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил ривожлантириш ишларига юқори даражада эътибор қаратди.

Қайд этилганлар билан бир қаторда, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни амалга оширишда хорижий давлатлар ва халқаро тузилмалар, шунинг-

дек, халқаро молия институтлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорликни кучайтириш орқали мамлакатимизнинг миллий манфаатларига ва иқтисодий ривожланишига хизмат қиладиган келишувларга эришишда бевосита раҳбарлик қилди.

2016 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент палаталарининг қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажариш вақтинча Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юкланди.

Ш.М. Мирзиёев оилали, икки қиз, бир ўғли, беш нафар набираси бор. Рафиқаси З.М. Ҳошимова – мутахассислиги бўйича муҳандис-иқтисодчи, айти пайтда уй бекаси.

Ш.М. Мирзиёев давлат ва бошқарув органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш ишига улкан ҳисса қўшгани учун «Меҳнат шухрати» ва «Фидокорона хизматлари учун» орденлари билан тақдирланган.

ДАСТУР

Бизнинг бош мақсадимиз – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан бошлаб берилган демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат.

Бизнинг сайловолди дастуримизда давлатимизнинг жадал ривожланиши йўлида халақит бериши мумкин бўлган тўсиқлар ҳар томонлама таҳлил этилган ҳолда, юртимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб оладиган ва эҳтимол тутилган хавф-хатарларнинг олдини олиш, яқин ва олис истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган ва шунингдек, мамлакатимизни янада тараққий эттиришни таъминлайдиган бешта устувор йўналиш белгилаб олинди.

I. Давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари»

концепциясини амалга ошириш

Сиёсий тизимни ривожлантириш соҳасидаги устувор вазифаларимиз ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, ташаббус-

ларини амалга ошириш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришдан иборат.

Биз давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ролини кучайтириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид энг муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтиришни зарур деб ҳисоблаймиз.

Кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсирини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳокимиятнинг вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятида сиёсий партиялар гуруҳларининг ролини кучайтириш, айниқса маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги ваколатларини кенгайтириш тарафдоримиз.

Бу мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқаруви тизими ва унинг аппарати фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ. Шу муносабат билан биз давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қилиш ташаббусини илгари сураимиз.

Шу билан бирга, биз хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан қайта кўриб чиқиш, ушбу соҳада тажрибадан ўтган бозор механизмлари ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принципларини кенг жорий этишни таъминлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз ваколатларни марказдан жойларга бериш тарафдоримиз. Шунинг учун ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги барча бўғинлардаги ҳокимиятларнинг вазифа ва ваколатлар тизимини такомиллаштириш эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳокимлик идораларининг моддий-техник таъминоти ва ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқамиз. Ушбу ишларни амалга оширишда **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунни янги таҳрирда қабул қилишни** мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биз янги ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ҳалол, ўз Ватани ва халқига содиқ кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратиш устида жиддий ишлаймиз.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда давлат хизматчилари томонидан сансалорлик ва масъулиятсизлик ҳолатларига бутунлай барҳам бериш учун биз катъий кураш олиб борамиз.

Раҳбарлар фаолиятига, уларга бўлган ишонч ва аҳолини ўйлантираётган муаммоларни самарали ҳал этиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг ўзи баҳо беради.

Бинобарин, давлат муассасалари ходимларининг масъулиятини ошириш ва шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида биз «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ташаббусини илгари сурамиз.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга оширишни давом эттириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу мақсадда жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини ривожлантириш, **махалла тузилмасининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш**, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ва шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилади.

Оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш соҳасида биз уларнинг иқтисодий асослари ва моддий базасини янада мустаҳкамлаш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни изчил давом эттирамиз.

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш. «Куч – адолатда» тамойилини амалга ошириш

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигининг кафолатидир, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омилidir.

Шунинг учун ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларимизнинг бош вазифаси – бу суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини, одил судловнинг мустаҳкам кафолатини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, адолатли қарорлар қабул қилишга қодир, мустаҳкам иродали, юксак маънавий ва касбий фазилатларга эга бўлган судьялар корпусини шакллантириш, суд-тергов фаолиятига илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмасдан амал қилинишини таъминлаш биз учун энг муҳим масала бўлиб қолади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошқораликни таъминлаш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорлик механизмларини кенг қўллашни асосий вазифамиз деб биламиз.

Одил судловни таъминлашда тарафлар тенглиги принципини тўлиқ ишлатиш учун адвокатура соҳасини ислоҳ қилиш, суд-тергов жараёнларида адвокатнинг ваколатларини кенгайтириш ва ролини янада кучайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар кўриш зарур.

Давлат идораларида юридик хизмат самарадорлигини таъминлаш мақсадида юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласи биз учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Биз жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатини, айрим жиноят турларини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш, ярашув институтини қўллаш имкониятларини янада кенгайтириш сиёсатини давом эттираемиз.

Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Бу жараёнда маҳалла имкониятларидан самарали фойдаланиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва уларнинг профилактикаси самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Буларнинг барчаси бизнинг дастуримизда муҳим ўрин тутди.

III. Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш

«Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди» деган, амалда ўзини оқлаган қоидадан келиб чиққан ҳолда, биз келгусида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида асосий эътиборни қуйидаги стратегик йўналишларга қаратишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий валютаимиз, ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш улкан аҳамиятга эга.

Молиявий соҳада тармоқ ва минтақаларнинг мутаносиб ривожланиши ҳисобидан аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишни таъминлайдиган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтиришга эътибор қаратилади. Маҳаллий бюджетлар имкониятларининг оширилиши, аввало, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилиши керак.

Иккинчидан, иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини янада ошириш, унинг соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестициявий фаолликни кучайтириш ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Асосий ва муҳим вазифа – **2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш** бўйича аниқ мақсадли дастурларни амалга оширишдан иборат.

Шу мақсадда кимё саноатини, рангли ва нодир металллар, углеводород хомашёси, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, чармпойабзал, фармацевтика, қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга қаратилган 8 та махсус дастур қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Яқин беш йилда умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳасини амалга оширамыз. Бу чоралар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар кўпайтириш имконини беради. Бундан ташқари, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш бўйича дастурни ишлаб чиқиш якунига етказилди. Қиймати 2 миллиард 300 миллион доллар бўлган 140 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш вазифаси олдимизда турибди. Натижада тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар ошади.

Биз ўз олдимизга яна бир муҳим вазифани қўйганмыз, у ҳам бўлса, фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришдан иборат. 67 та ҳудудий лойиҳаларнинг амалга оширилиши 162 та янги, ҳозирги вақтда четдан олиб келинаётган дори воситаларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва уларнинг умумий ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини беради.

Айни вақтда, давлат дорихона тармоқларида ҳаётий муҳим дори воситаларининг аниқ белгиланган нархларда сотилиши таъминланади.

Хорижий инвестициялар ва замонавий илғор технологияларни жалб этиш мақсадида Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳамда Ангрен шаҳрида эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатмоқда. Берилган имтиёзлар корхоналар томонидан инновацион лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга имкон яратмоқда. Бу ижобий тажрибани кенгайтириш мақсадида Ургут ва Ғиждувон туманларида, Қўқон шаҳрида ҳам эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Учинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бу тизимни такомиллаштириш бўйича ишларни тизимли асосда давом эттирамыз. 2017 йилда Янги иш ўринлари ташкил этиш дастури доирасида 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини – қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини – шахсий

ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик ҳисобидан иш билан таъминлаш чораларини кўрамиз.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ислоҳ қилишни устувор вазифа деб ҳисоблаймиз. 2017–2020 йилларга мўлжалланган Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастури қабул қилиниб, унинг доирасида экин майдонларини оптималлаштириш ва пахта экишни босқичма-босқич қисқартириш режалаштирилмоқда. Ҳал қилувчи вазифа – ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш, маҳсулотни сақлаш ва чуқур қайта ишлаш инфратузилмаларини такомиллаштиришдан иборат.

Сабзавот, дуккакли ва озуқабоп экин майдонларини кенгайтириш, интенсив боғ ва узумзорлар барпо этиш, экспортга йўналтирилган мева-сабзавот, озиқ-овқат ва чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек кичик саноат корхоналари тармоқларини ташкил этиш ва аграр хизматларни кенгайтириш эътиборимиз марказида бўлади. Бу мақсадлар учун қўшимча равишда 200 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган совутгичли омборхоналар барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Асосий вазифаларимиздан яна бири – қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг мавжуд тизимини такомиллаштиришдан иборат. Бу ишларни амалга оширган тақдирдагина биз кафолатланган барқарор ҳосилдорликни, бутун агросаноат комплексини ривожлантиришни ва энг муҳими, фермерларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни ва қишлоқ жойларда турмуш даражасини яхшилашни таъминлай оламиз. Бу мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори бўлиши зарур.

Бешинчидан, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қисқартиш, хусусий мулкни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси олдимизда турибди. Хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожига халақит берадиган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш – сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Бу вазифаларни ҳал этишда биз тадбиркорлик фаолиятини назорат қилиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз тадбиркорларни суд йўли билан ҳимоя қилишни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини либераллаштириш, айти пайтда хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашгани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш, солиқ бошқаруви ва банк фаолиятига замонавий тартибга солиш механизмларини жорий этиш, шунингдек рухсат беришга оид ҳужжатлар ва лицензиялар бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш

орқалигина ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётнинг жадал ривожланишига эришишимиз мумкин.

Олтинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишида катта аҳамиятга эга бўлган 2017–2021 йилларда туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилишни режалаштирмоқдамиз.

Дастур доирасида соҳадаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, туристлар учун виза ва рўйхатга олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, янги туристик маршрутларни яратиш, туризм инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, туризмни ривожлантириш бўйича махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратишни кўзда тутадиган янги таҳрирдаги «**Туризм тўғрисида**»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суришни, шунингдек «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини танқидий кўриб чиқишни зарур деб биламиз.

Еттинчидан, ҳудудларни янада комплекс ривожлантириш энг муҳим вазифадир.

Аввало, Биринчи Президентимиз томонидан тасдиқланган бир қатор вилоятлар, Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Наманган, Урганч ва Гулистон шаҳарлари, шунингдек Булунғур ва Нишон туманлари саноат салоҳияти ва инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги дастурлар ижроси сўзсиз таъминланади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Чуқур таҳлиллар асосида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусият ва имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган, ҳар бир маҳаллани назарда тутган ҳолда, 2017–2021 йилларда туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастурлари қабул қилинади. Бу дастурларни амалга ошириш натижасида субвенция оладиган 81 та туман молиявий жиҳатдан ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган ҳудудга айланади, шунингдек 41 та туман ва шаҳар бўйича субвенция даражаси сезиларли равишда камаяди.

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрини нафақат минтақамиз, балки дунёдаги энг гўзал ва обод мегаполислардан бирига айлантириш биринчи даражали вазифаларимиз қаторига киради. Шу мақсадда, миллий меъморлик ва шаҳарсозликнинг энг илғор ютуқ ва ечимларидан фойдаланган ҳолда, кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш эътиборимиз марказида бўлади.

Тошкент шаҳри учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик дастур – Сирғали туманида яқин келгусида 500 та кўп қаватли замонавий уй-жой барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Бу эса қарийб 30 минг оилани, биринчи навбатда кам таъминланган оилаларни янги уй-жой билан таъминлаш имконини беради.

Шаҳарнинг барча туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этиш, яшил майдон ва худудларни янада кўпайтириш, коммунал ва савдо хизматлари сифатини яхшилаш, янги транспорт-коммуникация тармоқлари ва замонавий хизмат турлари, маданий-маиший объектлар бунёд этиш, ер устидан ўтадиган тезювар метро йўналишларини куриш масалаларига устувор аҳамият берилади.

Иқтисодиёт соҳасида амалга оширадиган ишларимиз аввало халқимизга, ҳар бир фуқарога қандай наф етказиши, унинг дастурхонида, кундалик ҳаётида акс этиши биз учун ўта муҳимдир. Шу муносабат билан иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича ишлар давом эттирилади. Шунингдек, истеъмол товарлари, жумладан, арзон нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси олдимизда турибди.

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.

«Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган энг муҳим тамойиллардан бирини амалга ошириш

Бугунги кунда ўз ечимини кутиб турган ижтимоий масалаларни ҳал қилиш учун биз мамлакатимиз миқёсидаги қатор мақсадли дастурларни амалга оширишимиз зарур.

Аввало, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олиб, Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар куриш дастури қабул қилинди. Унга биноан, 2017 йилда эҳтиёжманд оилалар учун бошланғич тўлов ҳажми икки баробар камайтирилиб, тўрт хил янги намунадаги, қулай ва арзон, бир ва икки қаватли 15 мингта замонавий уй-жой барпо этиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, 2017–2020 йилларда шаҳар жойларда 945 та кўп қаватли уйлар куриш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Дастурга кўра, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ва йирик шаҳарларда 50 мингга яқин уй-жойга муҳтож оилалар учун кўп қаватли арзон уйлар қурилади.

Қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш биз учун

алоҳида долзарб бўлган муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Келгуси беш йил давомида қарийб 9 минг километрлик ичимлик суви тармоқлари, 1 минг 400 та қудуқ ва 3 минг 600 та сув иншооти қурилади ва реконструкция қилинади. Бу эса Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида 3 миллион 200 минг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва мамлакатимизда ушбу кўрсаткични 67 фоиздан 84 фоизга етказиш имконини беради. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташкил этилади ҳамда Молия вазирлиги ҳузурида «Тоза сув» махсус жамғармаси тузилади.

Аҳоли ва корхоналарга электр қувватини кафолатли ва барқарор тарзда етказиб бериш мақсадида Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг электр энергияси таъминотини яхшилаш дастурини амалга оширишни режалаштирмақдамиз. Дастур доирасида электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, 25 минг 300 километр паст кучланишли электр тармоқларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш, 5 минг 600 та эскирган трансформатор подстанциясини алмаштириш назарда тутилмоқда.

Минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш дастури доирасида умумий фойдаланишдаги 1 минг 700 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, аҳоли учун ўта муҳим бўлган 10 минг 400 километрлик хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарлар, туман марказлари, кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойлардаги маҳалла кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш мўлжалланмоқда. Бу дастурни амалга ошириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Йўл жамғармаси ва «Ўзавтойўл» компаниясининг ташкилий тузилмаси ва фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилади.

Қишлоқлар ва шаҳарларда транспорт хизматини янада яхшилаш дастурига асосан 74 та автовокзал ва автостанция реконструкция қилинади ва йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Янги 3 мингта замонавий автобус, 5 минг 700 та микроавтобус сотиб олинди, 300 дан ортиқ янги автобус йўналишлари очилади ва мавжуд йўналишлардаги эскирган автобуслар янгиланади.

Ҳаво ва темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Тошкент халқаро аэропортининг янги терминалини барпо этиш билан бир қаторда «Бухоро – Мискин» темир йўл тармоғи қурилишини якунига етказиш ва электрлаштириш, «Қарши – Термиз», «Поп – Наманган – Андижон – Қўқон» темир йўлларини электрлаштириш ишлари ҳам назарда тутилмоқда.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни санитария йўли билан тозалаш ва утилизация қилишни янада яхшилаш дастури шаҳарларимиз ва қишлоқ

аҳоли пунктларининг тозалиги ва озодалигини ошириш, атроф-муҳитни заҳарлайдиган, аҳоли саломатлиги учун хавф туғдирадиган, ноқонуний чиқиндилар ташланаётган жойларни йўқ қилиш имконини беради. Маиший чиқиндилар учун, жумладан, барча вилоятлар марказлари ҳамда Қўқон, Марғилон, Ангрен, Бекобод, Олмалиқ ва Хива шаҳарларида 168 та махсус жойлар ташкил этилади. Чиқиндиларни тозалаш билан шуғулланадиган ташкилотлар қўшимча равишда 405 та замонавий махсус техника билан таъминланади.

Аҳолига кўмир етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, унинг нархи сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлган мактабгача таълим-тарбия тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш эътиборимиз марказида бўлади. Жумладан, давлатга қарашли 1 миллион 109 минг ўринли 2 минг 200 та болалар боғчасини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш масалалари ҳал этилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ этиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам хизмати, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини янада яхшилаш ҳамда хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича аниқ чоралар кўрилади.

Муҳтарама аёлларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишда ўрни беқиёс бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада оширишимиз зарур. Улар учун муносиб шарт-шароитлар, янги иш ўринлари яратиш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бизнинг доимий ва муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган нуроний отахон ва онахонларимизни эъзозлаш, уларни ҳаётдан рози қилиш, қўлимиздан келганича умрларини узайтириш асрлар давомида энг улуғ кадриятларимиздан бири бўлиб келмоқда. Бундай табаррук инсонларга хизмат қилиш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўришни эзгу ва савобли ишимиз деб биламиз.

Ёши улуғ инсонлар, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиш режалаштирилмоқда. «Нуроний» жамғармасининг мақоми ва мавқеини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилади.

Маънавий-маърифий соҳада олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифамиз – юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз. Ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтирамиз. Бу борадаги сиёсатимиз **янги қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун** талаблари асосида қатъий давом эттирилади.

Биз 2017–2021 йилларда олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантириш дастурини қабул қилиб, ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга, олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтаришга қаттиқ бел боғлаганмиз.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшлар интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу борада алоҳида эътиборни уюшмаган ёшлар билан ишлашга ва уларни ташкилот фаолиятига жалб этишга қаратамиз.

Биз илм-фан намояндалари, заҳматқаш олимларимиз учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш мақсадида бор куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

Ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қараймиз.

Айни вақтда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги сўнги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, аҳолининг китобхонлик кўникмасини янада юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини Интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз.

Ўзининг ноёб истеъдоди ва маҳоратини халқимиз маънавиятини юксалтиришга бағишлаган, инсон қалбининг муҳандислари бўлган ижодкор зиёлиларга доимий эътибор масаласи дастуримизда етакчи ўрин эгаллайди. Ижодий ташкилотлар, бадиий уюшмалар фаолиятини қўллаб-қувватлашни, уларнинг моддий-техник базаси, инфратузилма тармоқларини мустаҳкамлаш, ижод-

кор зиёлиларимизнинг энг яхши асарларини юртимизда ва чет элларда тарғиб этишни биз маънавий-маърифий соҳадаги сиёсатимизнинг муҳим бир йўналиши деб биламиз.

Маданият, санъат, адабиёт ва матбуот оламига кириб келаётган иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, юртимизда ўтказилаётган ижодий танлов ва фестивалларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, бадиий асарлар учун тўланадиган қалам ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқиш, ижодий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари диққатимиз марказида бўлади.

Биз маданият ва спорт муассасалари, театр ва музейларимизнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш бўйича махсус дастурларни амалга оширамиз.

V. Хавфсизликни таъминлаш.

Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик.

Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

Биз «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» деган даъватни хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятимизнинг асосий тамойили сифатида белгилаб олганмиз.

Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўпмиллатли халқимизнинг ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, унинг замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигининг юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир.

Бутун дунёда мураккаб вазият юзага келаётган, терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бугунги шароитда доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, мамлакатимизнинг муҳофаа қобилиятини, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш – хавфсизлик ва барқарорликни ҳамда халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим шarti ва кафолатидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари-нинг тинч-тотув ҳаёт кечираётгани – истиқлол даврида эришган энг муҳим ютуқларимиздан биридир. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 137 та миллий маданий марказнинг ўрни беқиёс эканини инобатга олган ҳолда, миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашда келгусида ҳам сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Диний бағрикенглик асрлар давомида халқимиз менталитетининг ажралмас қисми бўлиб келмоқда. Бугунги кунда юртимизда ҳукм сураётган бағрикенглик муҳити туфайли мамлакатимизда 16 та ди-

ний конфессияга мансуб 2 минг 200 дан ортиқ диний ташкилот фаолият юритмоқда. Улар ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, қайси дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашни бундан буён ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблаймиз.

Муқаддас ислом динимизни нотўғри талқин этаётган ва уни ниқоб қилиб, тинч ва осойишта ҳаётимизга раҳна солаётган бузғунчи кучларга қарши биз доимо кескин курашиб келганмиз ва бундан кейин ҳам қатъий курашамиз.

Мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига таҳдид солишга уринадиган ёвуз кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига кескин зарба берилади.

Ташқи сиёсат соҳасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган принцип ва ёндашувларга тўлиқ амал қилиш сайловолди дастуримизнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади.

Ташқи сиёсатимизнинг асосий маъно-мазмунини – тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршилиқларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш, барча хорижий давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан амалий ҳамкорлик қилишдан иборат.

Мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмайди, бошқа давлатларнинг ҳарбий база ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилишига, шунингдек ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўйилмайди.

Ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

* * *

Биз сайловолди дастуримизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим мақсад ва устувор вазифаларни белгилаб олдик. Мазкур мақсад ва вазифаларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун **2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракат стратегияси** лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Улкан режаларимизни амалга оширишда биз, биринчи навбатда, барча юртдошларимиз, бутун халқимизнинг ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳиятига таянамиз.

Фақатгина халқимизнинг шижоати ва қудрати, буқилмас иродаси ва қатъияти, энг муҳими, мустақил тараққиётга бўлган ишончи буюк мақсадларимизга эришишнинг бирдан-бир кафолатидир.

Барчамиз учун Ватан битта!

Битта мақсад бизни бирлаштиради, у ҳам бўлса: Ватанимиз тараққиётидир!

Муқаддас юртимиз, бағрикенг халқимизга садоқат билан хизмат қилиш эса барчамизнинг энг шарафли бурчимиздир!

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД
Ш.М.МИРЗИЁЕВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг** тақдимномасига биноан ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 29-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Ш.М.Мирзиёевнинг** ишончли вакиллари этиб рўйхатга олинсин:

Жуманов Муратбай Арепбаевич	Қорақалпоқ давлат университети ректори
Абдуллаев Абдурауф	Анджон машинасозлик институти кафедраси профессори
Хусенов Самойдин Касимович	«Нуроний» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими Кенгаши раиси
Иномов Акрам	«Жиззах овози» газетасининг бош муҳаррири
Абраров Исломиддин Джамолович	Шаҳрисабз технологиялар касб-ҳунар коллежи директори
Санакулов Кувандик	«Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси бош директори
Нажмиддинов Икромхон	«Нуроний» жамғармаси Наманган вилояти бўлими Кенгаши раиси
Нормурадов Хасан Норбекович	«Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими Кенгаши раиси
Акбутаев Камаледдин	Сирдарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси
Тошқулов Абдукодир Хамидович	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
Тоиров Махмуджон	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси масъул котиби

Мирзаалиев
Икболжон Мирзакаримович

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича
ўринбосари

Артиқов
Кенжабой

«Давсувхўжаликназорат» давлат инс-
пекцияси Хоразм вилояти бўйича
инспектори

Хаджибаев
Абдухаким

Республика шошилич тиббий ёрдам
илмий маркази бош директори

2. Ишончли вакилларга белгиланган тартибда гувоҳнома топшириш Марказий сайлов комиссияси Котибияти бошлиғи С. Қурбанкулов зиммасига юклатилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
766-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД
ХАТАМЖОН АБДУРАХМОНОВИЧ КЕТМОНОВНИНГ
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ**



ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов 1969 йилда Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилган.

Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий, 1993 йилда Андижон давлат тиллар педагогика институтини тугатган.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 28-сонли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1995–2004 йилларда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритган.

2004–2013 йилларда Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари лавозимида меҳнат қилган.

Бу даврда Хатамжон Кетмонов вилоятда жамоат ташкилотларини ривожлантириш, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ечишда уларнинг ролини ошириш учун зарур шароитларни яратиш бўйича амалий чораларнинг ҳаётга татбиқ қилинишида фаол иштирок этди.

Унинг бевосита иштирокида вилоятда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол ривожлантириш, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқаролик бурчларини англашлари йўлидаги фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда Хатамжон Кетмонов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўтган давр мобайнида партиянинг марказда ва жойлардаги кадрлар салоҳиятини сезиларли даражада оширди, партия электоратини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда партия ташкилотларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширди.

2014 йилда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди.

2015 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

ДАСТУР

Дастурда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий амал қилиш, миллий манфаатларга содиқлик, мамлакат мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролараро ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, ижтимоий барқарорликни сақлаш орқали Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади – ривожланган демократик давлатлар қаторига кўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган эзгу мақсадлар мужассам.

Ушбу дастур Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ғоя ва дастурий мақсадларига, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг Парламентдаги кўпчилик – демократик кучлар Блокига нисбатан ўзини муҳолифат, деб эълон қилгани, бунинг натижасида муҳолиф фракция сифатида илгари сурган қатор ғояларига асосланади. Булар, энг аввало:

– мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида, ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш;

– энг кам истеъмол харажатлари (истеъмол саватчаси) стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш;

– аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш;

– аҳоли бандлигини таъминлашнинг мутлақо янги ва замонавий усуллари жорий қилиш, иш ўринларини ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш;

– муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг асосий мезони уларни ҳаётга татбиқ қилиш орқали яратиладиган барқарор иш ўринлари сони билан ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш демакдир.

Биз учун асосий устувор йўналиш, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Бу мақсадни самарали амалга ошириш учун қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини яхшилашнинг энг муҳим шарти бу – уларнинг бандлигини таъминлашдир. Бунинг учун, аввало, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишини, фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур, деб биламиз.

Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратишга энг муҳим масала сифатида қараймиз.

Ижтимоий ҳимоя борасида пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни қамраб олувчи кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ижтимоий ва коммунал хизматларнинг сифатлилигини ва аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари учун мақбуллигини таъминлаш тарафдоримиз.

Бизнинг асосий шиоримиз: **«Мақсадимиз – халқимиз турмуш даражасини янада ошириш!».**

Бундай кенг қамровли, ижтимоий йўналтирилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларни белгилаб олганмиз:

I. Биз, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини замонавий усулларни жорий қилиш орқали доимий такомиллаштириб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу йўналишдаги вазифаларнинг самарали амалга оширилиши учун «Аҳоли бандлигини таъминлаш – энг асосий бурчимиз», «Аҳоли бандлиги – ижтимоий ҳимоянинг энг мақбул йўли!», «Ҳар

бир инсон учун муносиб иш ўрни!», «Ҳар бир инсон учун муносиб иш ҳақи!» шиорларини илгари сурамыз. Ушбу мақсадда қуйидагиларни таклиф этамыз:

– ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш давомида барқарор иш ўринларини яратиш кўрсаткичлари мазкур дастурларнинг муҳим мезонларидан бўлишини таъминлаш;

– ишчи кучи четга чиқиб кетишининг олдини олиш, бунинг учун ҳар йили қабул қилинадиган «Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури» ижросида янгича ёндашувларга ўтиш. Бунда асосий эътиборни меҳнат бозоридаги талаб-таклифни тўлиқ ўрганиш, ҳисобга олиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда жорий ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини тўғри ва аниқ белгилаш;

– муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини таклиф этаётган, биринчи навбатда заминимиздаги бой минерал хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни таъминловчи юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш, ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб этиш;

– касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг мустақил ўзини ўзи иш билан таъминлаш ҳамда яқка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш мақсадида имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан, фаолиятини тўлиқ йўлга қўйгунга қадар солиқлардан озод қилиш муддатини узайтириш;

– истиқболли ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

– корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги «коллеж-корхона» алоқаларини йўлга қўйиш;

– муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар билан боғлиқ равишда замонавий касбга эга бўлган кадрлар тайёрлаш масаласи ҳал қилинишига эришиш;

– тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртлари талабаларининг таълим шартномалари тўловларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш амалиётини такомиллаштириш;

– муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган, қўшимча барқарор иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар яратиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш;

– олий ва ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар тайёрлаш йўналишларини белгилашда корхона ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш;

– кичик бизнес, уй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш. Меҳнат қонунчилигида аёлларга берилган ҳуқуқ ва қўшимча имтиёзлардан кенг фойдаланишлари учун янада мақбул шароитларни яратиш;

– меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш;

– турли имтиёзлар бериш орқали иш берувчи ва ходим ўртасидаги норасмий меҳнат муносабатларини қонунчиликка киритиш. Меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун тадбиркорларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини ошириш ҳамда давлат томонидан қаттиқ назорат ўрнатиш;

– ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналарни ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, ушбу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш;

– йирик корхоналарга касаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали жисмоний имкониятлари чекланган шахслар (ногиронлар)ни касаначилик фаолиятига жалб қилишни кенгайтириш лозим.

II. Иқтисодий сиёсатдаги асосий устувор вазифаларимиз, бу – давлатимизнинг молиявий-иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсат билан уйғунлаштириш орқали аҳолининг, хусусан, унинг эҳтиёжманд қатламларининг турмуш даражасини янада яхшилашга йўналтиришдан иборатдир.

Халқимизнинг ҳаётий манфаатлари билан боғлиқ **«Иқтисодий ислохотларга – ижтимоий самарадорлик!»** шиори мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга ёндашувимизнинг туб моҳиятини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг харид қобилиятини ошириш ички талабнинг ортишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Бу эса иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва иқтисодиётнинг реал сектори ўсиш суръатларини изчил ошириб боришнинг мустаҳкам асосидир.

Биз иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қуйидагиларни таклиф этамиз:

- бюджет маблағлари, айниқса ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш;

- давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодий имкониятларидан аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатламининг турмуш даражасини яхшилашда фойдаланиш;

- замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, шунингдек уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтирувчи ва аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантириш масалаларига эътиборни кучайтириш;

- тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- тижорат банкларининг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, фоиз ставкаларини минимал даражада белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш;

- турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлашишига имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар йўналишини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш.

Истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплексларининг ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади:

- маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарлари ишлаб чиқаришини молиявий ва иқтисодий рағбатлантириш, имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобига ички бозорни тўлдириш, нарх-наво ошишининг олдини олишга қаратилган товар ва хизматлар ишлаб

чиқаришни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини кучайтириш;

– мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни рағбатлантириш;

– мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг йирик-лашишини рағбатлантирувчи солиқ сиёсатини юритиш, корхоналарнинг таснифига «ўрта корхона» тушунчасини киритиш, яъни йирик, ўрта ва кичик корхоналар мезонларини белгилаш, кичик корхоналарнинг йирик-лашиши ва янада ривожланишига хизмат қиладиган солиқ ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омили сифатида қурилиш соҳасини модернизация қилиш, қурилиш ташкилотларини кенг ривожлантириш, замон талабига жавоб берадиган мутахассислар, техник воситалар билан таъминланиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

– қурилиш ташкилотларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, соҳага янги технологияларни жорий қилиш, малакали мутахассисларни ёллашга имконият берувчи шароитлар яратиш мақсадида солиқ юкни камайтириш;

– собиқ тузум давридан буён фойдаланиб келинаётган эскирган қурилиш стандартлари, норма ва қоидалари ўрнига бутун дунёда амал қилиб келинаётган еврокодлар тизимига ўтиш;

– қурилиш соҳаси ривожланиши истиқболларига мувофиқ етарли даражада малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласига эътибор қаратиш, мутахассисларнинг хорижий давлатларда малака оширишларини тизимли йўлга қўйиш;

– янги инновацион технологияларни ва материалларни қўллаш, қурилиш хизмати бозорларида мамлакатимиз мутахассисларининг рақобатбардошлигини таъминлаш орқали ўзбек компанияларининг хорижий қурилиш ва хизмат бозорларига чиқишларига шароит яратиш.

Ш. Кам таъминланган оилалар, кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш лозим. Бу йўналишда биз «Кам таъминланганларнинг кучли ижтимоий ҳимояси учун курашамиз!» шиорини илгари сурамиз.

Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади:

– ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, уларнинг меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш,

ташаббускорлигини рағбатлантириш. Бизнинг фикримизча, **ижтимоий кўмак – ташаббускорликка йўл очмоғи даркор!**;

– нафақалар ва моддий ёрдамни, асосан кам таъминланган оилалар, моддий ёрдамга муҳтож кексалар ва болаларга йўналтириш;

– ижтимоий адолат, меҳр-оқибат, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида маҳалланинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ролини ошириб бориш чора-тадбирларини кўриш;

– ўз бизнесини ташкил этишга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва фойсиз ссудалар ажратиш амалиётини янада ривожлантириш;

– кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, ўз бизнесини ташкил этиши учун мақсадли фойдаланиш шарти билан, тегишли даврда тўланадиган маблағлар суммасини бир марталик тўлов шаклига ўтказиш механизмини жорий этиш;

– ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назорати самарадорлигини янада ошириш орқали нархлар ва тарифларнинг ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини таъминлаш;

– уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмини тураржой фондини шакллантиришга йўналтириш механизмини такомиллаштириш;

– мамлакатимизда автотранспорт воситаларининг кўпайиб бораётганлиги натижасида йўллар, катта шаҳарларнинг кўчаларида тирбандликлар вужудга келишига барҳам бериш мақсадида тегишли инфратузилмани доимий такомиллаштириб бориш, пиёдалар йўлакларини капитал таъмирлаш, экологик тоза, соғлом турмуш тарзига замин яратувчи велойўлакларни куриш;

– коммунал хизматлар кўрсатишнинг тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган камхарж автоном (локал) шаклларини ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштиришга эришиш;

– табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар (газ, электр ва иссиқлик таъминоти, канализация, маиший чиқиндилар ва ҳ.к.) нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш;

– кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш, мазкур устуворликка амал қилган ҳолда, етакчи ижтимоий соҳаларнинг тижоратлашувини чеклаш, жамиятнинг барча аъзоларининг ишончли ижтимоий кафолатлари таъминланиши масалаларида бизнес масъулиятини ошириш. Бу вазифани рўёбга

чиқаришда биз **«Кучли ижтимоий ҳимоя – асосий мақсадимиз!»** шиорига таянамиз;

– **«Кексаларимиз учун муносиб пенсия таъминоти!»**, **«Биз кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!»** шиорлари негизида мамлакатимиз равнақи, улғайиб келаётган ёш авлодга озод ва обод Ватан қолдириш борасидаги ишларга ўз ҳиссасини қўшган кекса авлод учун муносиб турмуш шароитини яратиш ғояси турибди.

Бугунги кунда жисмоний имконияти чекланган шахслар жамиятимиз ижтимоий ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлаш асосий вазифаларимиздандир. Шунинг учун уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ижтимоий объектларда ногиронлар учун махсус кириш йўлаги – пандуслар ҳамда уларга мослаштирилган пиёдалар йўлакчалари бўлишини таъминлаш даркор. Биз мавжуд барча бино ва иншоотларни ногиронлар кира олишлари нуқтаи назаридан хатловдан ўтказиш, йўлакчаларни ногиронларга мослаш бўйича махсус давлат дастурини қабул қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

IV. Аҳолига юқори сифатли таълим олиш ва мақбул тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масаласи ҳам доимо диққат марказимиздандир. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Таълим соҳасида:

– жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш мақсадида минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини олдиндан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш;

– бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш;

– коллежлар ва академик лицейларни ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш;

– корхона ва ташкилотларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, техник ва технологик мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларига мақсадли қабул қилиш масаласини рағбатлантириш;

– ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш ва соҳа ўқитувчиларига имтиёзлар бериш, жисмоний имкониятлари чекланган (ногирон) талабаларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш;

– педагогик маълумотга эга, лекин бола тарбияси билан машғул бўлгани боис вақтинча ишламайдиган аёлларнинг оилавий мактабгача таълим

тарбиячиси сифатидаги уй меҳнатини ташкил этишнинг қонуний асосларини яратиш.

Соғлиқни сақлаш соҳасида:

– аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш;

– имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ижроси устидан тизимли назоратни кучайтириш;

– фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти ҳамда дори-дармон воситалари нархи устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, дори воситалари рекламасини чеклаш;

– асосий дори воситалари рўйхатидаги дори воситаларининг давлат тиббиёт муассасаларида мавжуд бўлиши ва айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг имтиёзли берилишини таъминлаш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

V. Демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадда қуйидагилар таклиф этилмоқда:

– ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқишда қонун нормаларининг бевосита таъсир этишига, яъни ҳаволаки нормаларсиз қабул қилинишига эришиш;

– қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошқора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш амалиётини изчил ривожлантириш;

– аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги, шунингдек мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда катта қизиқишга сабаб бўладиган масалалар бўйича қарорларни қабул қилишдан аввал ушбу масалалар юзасидан жамоатчилик маслаҳатлашувларини ўтказишнинг мажбурийлигини белгилаш;

– жойлардаги доимий электорат манфаатларига алоқадор бўлган долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир кўрсатиш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш;

– аҳолига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида Ягона интерфаол давлат хизматлари порталидан эркин фойдаланишни тақдим этувчи пунктлар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

– давлат ва фуқаролик жамияти институти ўртасидаги ижтимоий шериклик амалиётини кенг ривожлантириш;

– фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизмлари оммабоплигини кенгайтириш ва мазкур масалаларда суд назоратини кучайтириш ҳисобига суд қарорлари ижроси сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

– судларда ишларни кўриб чиқиш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш. Фуқароларнинг судга муурожаат қилиши ва суд ҳужжатларини олишининг электрон тизимини кенг жорий қилиш.

VI. Ташқи сиёсий фаолият масалаларида қуйидагилар таклиф этилмоқда:

– қўшни мамлакатларга нисбатан очик ва прагматик сиёсат юритиш, улар билан савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш;

– минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиёдаги трансчегравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташаббусларни илгари суриш;

– ташқи сиёсатда Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги фаол иштирокини таъминлаш. Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарур.

* * *

Дастурда қайд этилган устувор йўналишларни амалда рўёбга чиқариш мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, олиб борилаётган барча йўналишдаги ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД
Х.А.КЕТМОНОВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновнинг** тақдимномасига биноан ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 29-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Х.А.Кетмоновнинг** ишончли вакиллари этиб рўйхатга олинсин:

Ешимбетов Халилла Бекимбетович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси
Нурматов Абдулхамид Абдухалумович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Андижон вилояти Кенгаши раиси
Казимова Робия Фатуллаевна	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Бухоро шаҳар Кенгаши раиси
Сиддиқов Насир Соатович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Жиззах вилояти Кенгаши раисининг вақтинча вазифасини бажарувчиси
Ахмедов Ахад Амириддинович	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
Абдурахимова Дилором Олимжановна	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Наманган вилояти Кенгаши раиси
Арзиқулов Сахобиддин Жиянбоевич	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
Ташматов Алишер Абубакирович	Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати
Жумағулов Чори Пардаевич	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси

Дарханов Меҳрожидин Қобилович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Тошкент вилояти Кенгаши раиси
Мамаджанова Дилбархон Рахматовна	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Фарғона вилояти Кенгаши раиси
Сабуров Раимберган Садуллаевич	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Хоразм вилояти Кенгаши раисининг ўринбосари
Равшанов Олим Поёнович	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси
Бобохонов Ҳайдар Эргашевич	Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Киргизбаев Абдугаппор Каримжонович	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

2. Ишончли вакилларга белгиланган тартибда гувоҳнома топшириш Марказий сайлов комиссияси Котибияти бошлиғи С. Қурбанкулов зиммасига юклатилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
767-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД
НАРИМОН МАЖИТОВИЧ УМАРОВНИНГ
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ**



ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаров 1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1974 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги – муҳандис-гидрогеолог. Геология-минералогия фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1974 йилда «Гидроингео» илмий текшириш институтида катта техник ходим лавозимидан бошлаб, илмий ишлар бўйича директор муовини лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. У суғорилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ гидрогеологик прогнозларни ишлаб чиқиш, ер ости сувларидан иқтисодиётда оқилona фойдаланиш йўналишларида тадқиқотлар олиб борди.

1997–2009 йилларда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳузуридаги Аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекцияси бошлиғи лавозимида ишлаб, атроф табиий муҳит ҳолатини мониторинг қилишда ягона давлат тизимини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошқарган.

2009–2013 йилларда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси лавозимида фаолият юритиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита иштирок этган.

2009 йилдан «Экосан» экология ва саломатлик Халқаро хайрия жамғармасининг бошқаруви раиси, 2013 йилдан Ўзбекистон «Адолат» СДП

Сиёсий Кенгаши раиси этиб сайланган. Эгаллаб турган лавозимида давлат ҳокимияти вакиллик органларида «Адолат» СДП депутатлик гуруҳларининг фаолиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиб келмоқда.

2014 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди, 2015 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

2012 йилда Наримон Умаров «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган. Оилали. Уч нафар фарзанднинг отаси. Рафиқаси Х. Хўжаева – пенсионер.

ДАСТУР

Куч – адолатда!

Тарихан қисқа давр – мустақиллигимизнинг чорак асри давомида юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат яратиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган тизимли ва кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимиз барқарор ва изчил ривожланиб, демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари тобора чуқурлашиб бормоқда.

Улкан қийинчиликларга, айниқса мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида енгиб ўтишга тўғри келган муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамасдан, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида, мамлакатимизда мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасида юксак марра ва натижаларга эришилди. Бу йиллар ичида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 баробар ўсди. Бугунги кунда мамлакатимиз илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан, аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил юксалиб бораётган, иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, жадал суръатлар билан тараққий этаётган замонавий индустриал давлатга айланди.

Жумладан, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда. Жаҳон амалиётида кам учрайдиган бундай кўрсаткичлар амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида инсон туриши, уларнинг бош мақсади инсоннинг ҳаётий ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашга қаратилганидан далолат

беради. Энг муҳими, ўтган давр мобайнида фуқароларимизнинг ижтимоий онги ва сиёсий фаоллиги сезиларли даражада ошди.

Истиқлол йилларида ҳаётга татбиқ этилган ислохотлар ва уларнинг юксак натижаларини эътироф этган ҳолда, биз мамлакатимизнинг бундан кейин ҳам изчил тараққий этиши, ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторига кириши тарафдоримиз. Шу билан бирга, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишга қаратилган янги вазифаларни, марраларни белгилаш ва уларга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтаришимиз лозим, деб биламиз ва шунинг учун партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, парламентда ўзини муҳолиф деб эълон қилган куч сифатида сайловчиларга муқобил дастуримизни таклиф этмоқдамиз. Зеро, биз яшаётган мураккаб, глобаллашув асрида эришилган натижалар билан кифояланмасдан, даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин.

Мазкур дастур Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етук адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланади. Биз, шунингдек, «Куч – адолатда!», «Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони», «Адолат – ҳар бир инсон учун» ҳамда социал-демократиянинг энг муҳим қадриятлари бўлган – ижтимоий адолат, эркинлик, бирдамлик ва имкониятлар тенглиги ғояларига таянамиз.

Бунда биз ҳаётимизга самарали татбиқ этиб келинаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги ўзаро чамбарчас ислохот ва ўзгаришларни амалда ўзини тўла оқлаган «ўзбек модели»га мувофиқ равишда давом эттиришни яқин келажақдаги бош мақсадимиз, деб биламиз ва қуйидаги вазифаларни устувор деб ҳисоблаймиз:

Мақсадимиз – демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш

Адолат ва ҳақиқатга интилиш, адолатли жамият қуриш халқимизнинг асрий орзулари сирасига киради. Зеро, адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда фойзу барака бўлади, одамларда меҳр-оқибат кучаяди. Адолат бор жойда тараққиёт бўлади, юксак муваффақиятларга эришилади.

Шундай экан, **ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли жамият қуриш** борасидаги конституциявий нормаларимизни ҳаётга тизимли равишда ва кенг жорий этиш устувор вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Биз бунда ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойиллари

ҳукм сурадиган, аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган, фуқароларнинг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш ғояларига таянамиз.

Бизнинг мақсадимиз – давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш. Сиёсий ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши, жамиятда демократик кадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги таъминланиши учун бор кучимизни сафарбар этамиз.

Биз вакиллик ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, парламентаризмни ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларини кенг жорий этишни ёқлаймиз. Шунингдек, ҳокимиятнинг барча даражадаги бошқарув органлари вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида ўзаро очик мулоқот ва тўғридан-тўғри муносабатларни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Бу, ўз навбатида, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини ечишда энг мақбул қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, бюрократизм ва коррупциянинг ҳар қандай кўринишларини бартараф этишга ҳам хизмат қилади, деб биламиз.

Маҳаллий бошқарув органлари фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини ошириш мақсадида биз ҳокимларнинг вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини ишга қабул қилиш ва озод этишдаги, уларни жавобгарликка тортиш масаласидаги, ҳудуднинг кадрлар сиёсатида таъсир этишдаги ваколатларини кенгайтириш тарафдоримиз. Бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини чуқур хатловдан ўтказиш, ҳудудий давлат ҳокимияти органлари зиммасига муайян вазифа, ваколат ва топшириқ юклатилган ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларни амалга ошириш, назорат қилиш ва ҳисоботини эшитиш билан боғлиқ аниқ механизмларни акс эттириш, қолаверса, барча ҳудудий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлигига тавсия этилаётган номзодларни ҳокимлар билан келишиш лозимлигини муҳим деб биламиз.

Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси **давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш, жамоатчилик назорати институтини янада кучайтиришни** талаб этади. Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга молик масалалар юзасидан қабул

қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат ижтимоий дастурлари ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказиш, нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокини кучайтириш каби масалалар бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Биз демократик жамиятни **матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди**, деб биламиз ва «Ошкоралик – фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир» деган тамойилга таянган ҳолда, ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз. Ахборот соҳасида рақобат муҳитини янада кучайтириш, олиб борилаётган ислохотларнинг, давлат ички ва ташқи сиёсатининг очик ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш зарур, деб биламиз. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш устувор вазифамиз ҳисобланади.

Шунингдек, биз босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш соҳасида рақобатни ривожлантиришга, даврий матбуот маҳсулотларининг чакана савдо тармоқларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Адолат – қонун устуворлигида!

Биз учун қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳаси доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Хусусан, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида **«Адолатли қонунларни қабул қилиш», «Қонун устувор бўлган жойда адолат бўлади»** каби ғояларни ҳаётга кенг жорий этиш, қонун устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг ижтимоий ҳимояси амалда таъминланадиган ҳуқуқий давлат, халқчил, адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишнинг гарови, деб биламиз.

Биз асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиришга, шунингдек қонуности ҳужжатларининг сони ва доирасини қисқартиришга интиламиз. Қонун давлат ва жамиятни бошқаришда асосий восита бўлиши лозим. Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат ғоялари муҳим мезон бўлиши лозим.

Ҳар бир фуқарога жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг имкониятлар тақдим этиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳокимиятнинг барча тармоқлари, энг аввало, давлат бошқарув органларининг ва айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражали вазифаси, деб биламиз.

Биз «**кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат тамойиллари устувор**», деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда суд ҳокимиятининг мустақиллигини, судлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг барқарорлигини, фаолиятининг очиқлиги ва холислигини таъминлаш, судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштириш, одил судловнинг нуфузини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни тақлиф этамиз.

Биз, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида самарали натижа бераётган ярашув институтини янада кенгайтириш чораларини кўришимиз даркор. Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, ҳар бир инсоннинг, айниқса мансабдор шахсларнинг юксак ҳуқуқий маданиятга асосланган фаолиятини йўлга қўйиш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз зарур.

Жамият аъзоларининг Конституциямиз ва қонунларимиз ижросига бўлган ишончи – уларнинг эртанги кунга бўлган ишончидир. Шундай экан, биз давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчилик меъёрларининг бузилишига, уларнинг нотўғри ва эркин талқин этилишига, шунингдек тўрачилик, расмиятчилик ва коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш тарафдоримиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш, хусусан, ички ишлар, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши устидан кучли жамоатчилик назоратини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтлар, жумладан Омбудсман ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг ролини янада ошириш тарафдоримиз.

Шу билан бир вақтда, **жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш**, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади,

мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб боришга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, фақат эркин, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни ҳурмат қиладиган фуқаро ўзининг ҳуқуқларидан тўлалигича фойдаланиши мумкин. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда махсус дастур ишлаб чиқишни ва уни ҳаётга жорий этишни режалаштирмоқдамиз.

Иқтисодий барқарорлик – мамлакат тараққиётининг гарови!

Биз иқтисодий соҳада республикамизда олиб борилаётган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, банк ва суғурта тизимларини мустаҳкамлаш, четдан қарз олиш масалаларида консерватив ёндашувга асосланиш, давлатнинг ташқи қарзи ҳаддан зиёд ошиб кетмаслигига эришиш борасидаги сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз.

Замонавий ижтимоий давлат фақат юксак ривожланган, самарали ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга асосланиб, муваффақиятли фаолият кўрсатади. Бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари эса социал-демократиянинг эркинлик, адолатлилик ва бирдамлик каби асосий қадриятларни амалга оширишда муҳим восита бўлади, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, биз бозорни бошқариш, тартибга солиб туриш зарур, деб биламиз ҳамда **«Рақобат – мумкин қадар, давлат бошқаруви – зарурат қадар»** тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш тарафдоримиз.

Биз мамлакатимиз келажаги – **инновацион ривожланиш ва инновацион иқтисодиётда** деб биламиз ҳамда давлатнинг мувофиқлаштирувчилик фаолияти иқтисодиётнинг барқарор инновацион тараққиётида муҳим роль ўйнаши кераклигини эътироф этамиз. Янги технологияларга асосланган иқтисодиёт давлат қудратини оширади, халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда замонавий инновацион ва юқори технологияларни жадал ривожлантириш ва кенг жорий қилиш мақсадида биз махсус комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилишни режалаштирмоқдамиз. Мазкур ҳужжатда, хусусан, қуйидагилар белгиланади:

– инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шу жумладан, илмий фаолиятни ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

– инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш;

– Давлат бюджети, корхона ва ташкилотларнинг молиявий қўйилмалари, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан Инновация жамғармасини тузиш;

– иқтисодиёт соҳаларида хусусий бизнес иштирокида унча катта бўлмаган ва қисқа муддатда ўзини оқлайдиган инновацион лойиҳаларни жорий этиш.

Биз **бюджет соҳасида** харажатларни кескин қисқартириш эвазига бюджет сиёсатини амалга ошириш тарафдори эмасмиз, чунки бюджет харажатлари иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан биридир, у аҳолининг тўлов қобилиятини кучайтириб, ўз навбатида, юксак самарали ишлаб чиқаришга рағбатлантиради ва яқунда халқ фаравонлигини таъминлайди.

Молия бозорига аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маблағларининг фаол жалб қилиниши борасида ҳали ишлатилмаган кенг имкониятлар, ечимини кутаётган вазифалар мавжуд деб биламиз ва уларнинг ҳал этилиши иқтисодиётимизни ривожлантириш учун қўшимча инвестициялар ва молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимизни ривожлантиришда ўзимизнинг куч ва имкониятларимизга таяниш зарурлиги ҳақидаги узоқни кўзланган стратегияни давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг республика ва ҳудудий инвестиция дастурларидаги иштирокини доимий ошириб бориш орқали истиқболда ҳам юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишимизга хизмат қилади.

Биз **ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига**, авваламбор, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш, экспорт ва импорт миқдори орасидаги мувозанатни сақлаш нуқтаи назаридан ёндашамиз.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва кичик шаҳарларининг ривожланишини жадаллаштириш, ҳудудлар ва пойтахт орасидаги кескин иқтисодий ва ижтимоий тафовутга йўл қўймаслик мақсадида биз йирик компанияларнинг марказий бошқарув органларини кичик шаҳарларга кўчириш ҳамда кичик шаҳарларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини республика бюджети ҳисобидан кенг кўламли реконструкция қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз иқтисодий соҳада, шунингдек, қуйидагиларни ҳам таклиф этамиз:

– **энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни кенг миқёсда жорий этиш.** Мавжуд муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатдош энергия бозори яратилишини рағбатлантириш;

– муқобил энергия манбалари, хусусан, куёш ва шамол энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёрларни тасдиқлаш;

– мамлакатимизда уй-жой-коммунал соҳаси ва кундалик турмушда кенг фойдаланишга мўлжалланган қуёш батареяси ва бошқа қайта тикланувчи энергия олишга ихтисослашган инновацион технологияларни аҳолининг харид қобилиятига мос нархларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

– **«яшил иқтисодиёт»га ва унга мос технологияларга ўтишни давлат томонидан кенг рағбатлантириш** чораларини кучайтириш ва бу йўлда, айниқса, зарур инфратузилма яратилишига сармоя киритиш, бошқарувнинг самарали тизими ва хусусий сармоялар эвазига экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни янада фаоллаштириш;

– инвестиция таклифларини чуқур ўрганиш ва инвесторларнинг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги техника ва юксак технологияларни киритиш, рақобатдош, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини қатъий назорат остига олиш асносида **корхона ва муассасаларни босқичма-босқич хусусийлаштириш сиёсатини давом эттириш** ва бу орқали аралаш иқтисодиёт доирасида давлат мулкани ҳимоя қилиш, стратегик муҳим объектларни уларнинг ижтимоий фойдалилигидан келиб чиқиб, давлат тасарруфида қолдириш;

– экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, прогрессив солиқ тизимини босқичма-босқич жорий қилишни ўз ичига олган **самарали иқтисодий сиёсат воситаларидан оқилона фойдаланиш**.

Биз **экологик жиҳатдан тоза технологиялар** асосида жадал ривожланишни таъминлашга йўналтирилган мутаносиб иқтисодий сиёсат олиб боришни қўллаб-қувватлаймиз. Саноат корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаш орқали атроф-муҳит мусавватлигини таъминлаш долзарб вазифаларимиздан эканлигини қайд этамиз.

Қолаверса, экологик муаммоларни ҳал этишда, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратишни муҳим деб биламиз. Барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат Давлат бюджетига юклаш тўғри бўлмайди. Биз «Ифлослантирувчи тўлаши ва кўп пул тўлаши лозим» деган принципни жорий қилиш тарафдоримиз.

Биз, шунингдек, иқтисодий лойиҳаларнинг экологик экспертизасини кучайтириш, унинг очик ва ошкоралигини таъминлаш, бу ишга нодавлат нотижорат ташкилотларини, илмий жамоатчилик, депутатлик корпусини кенг жалб этишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Экология масалалари ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу соҳани комплекс ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқамиз ва уни ҳаётга татбиқ этамиз. Дастурда, хусусан, табиатни саноат корхоналари томонидан ифлосланишини камайтириш, чанг

ва заҳарли моддаларни кўп ютувчи дов-дарахтлар сонини ва турини ошириш, шаҳарлар ва саноат корхоналари атрофида яшил майдонлар барпо этиш, саксовул ва бутазорларни кенгайтириш орқали атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган аниқ механизмлар белгилаб қўйилади.

Кучли ижтимоий ҳимоя – адолатли жамият пойдевори!

Биз «Ижтимоий тенглик – тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демакдир» деган тамойилга таянган ҳолда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ҳамда малакасидан келиб чиқиб, меҳнат қилиши кафолатланадиган, меҳнатининг миқдори ва сифатига яраша муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат куриш учун курашамиз.

Давлат бундан кейин ҳам: инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатлаши; шахсий ташаббусларни рағбатлантириши; иш берувчилар ходимларнинг кучи ва соғлиғидан фойдаланишда суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслигини таъминлаши; фуқаролар ўзларининг жинси, ёши ва кучига тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланмасликларини назорат этиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биз Ўзбекистонда **«Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун»** тамойилига амал қилган ҳолда, турмуш даражаси кўрсаткичларини янада яхшилашнинг муҳим шарти бўлган, кўп йиллик мустақил тараққиётимиз даврида ўзини оқлаган давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиб, ҳаётга самарали татбиқ этиш тажрибасини давом эттиришни таклиф этамиз.

Айни пайтда, бизнингча, ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақатгина давлат ҳокимияти органларининг ҳатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли **давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини**, авваламбор, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим тизими, йўл қурилиши, коммунал соҳаларда ривожлантириш зарур, деб биламиз. Бундай ҳамкорликнинг энг самарали шакллари қўллаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқиш, ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига биз, **биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини, турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, ишини йўқотганларга янги меҳнат ўринларини ҳамда касбий қайта тайёргарлик учун**

таълим олиш имкониятларини яратиш нуқтаи назаридан ёндашамиз. Биз ёшларни муносиб ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб қилиш, коллеж битирувчилари ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш юзасидан давлат дастурларининг амалда бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш ва ишсизликни минимал даражагача қисқартиришга интиламиз.

Биз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, ишчилари ва хизматчиларини тизимли равишда ижтимоий ҳимоя қилаётган, уларнинг интеллектуал салоҳияти юксалиши, олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасаларида ўқишлари ва малакаларини оширишларига, соғлиғини тиклашига кўмаклашаётган корхона ва ташкилотлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз. Зеро, инсоннинг оиласидаги фаровонлик, ўзининг ҳаётга муносабати, охир-оқибатда эса жамиятимизнинг барқарорлиги, унинг иш билан таъминлангани, ижтимоий ҳимоялангани, меҳнати учун муносиб ҳақ олаётганига бевосита ва билвосита боғлиқ.

Биз иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда ходимнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, у билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмагани, ходим меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта қилиш, пенсия таъминоти талабларига риоя қилмагани ва уларни бузганлиги учун иш берувчилар жавобгарлигининг кучайтирилиши билан бирга жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш тарафдоримиз.

Биз аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ўз вақтида, мунтазам, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш тарафдоримиз. Мустақиллик йилларида Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган маблағлар улуши салкам 2 баробарга ошганлиги, амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари, эришилган улкан марраларни эътироф этган ҳолда, ушбу соҳани янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, деб биламиз. Зеро, халқи, фарзандлари соғлом ва баркамол ривожланган мамлакат кучли ва қудратлидир.

Аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари эътиборимиз марказида бўлади.

Биз аҳоли ўртасида талаб юқори бўлган тиббиёт муолажаларига, хусусан, трансплантологияга, экстракорпорал уруғлантириш ва бошқа замонавий тиббий хизматларга рухсат бериш тарафдоримиз. Қолаверса, хорижнинг

етук тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик ўрнатишга, чет эл врачларини Ўзбекистоннинг тиббий муассасаларида жарроҳлик операциялари ўтказиш амалиётини кенгайтиришга, уларни доимий асосда ишга таклиф қилиш орқали миллий мутахассисларимизнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз **хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш**, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг кўламли ислохотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Хотин-қизларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорида уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ҳамда юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлганларини давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига ва бўғинларига жалб қилиш масалаларига устувор вазифалар сифатида қараймиз.

Биз, шунингдек, **уй-жой сотиб олиш ва қуриш** учун ажратилаётган ипотека кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва фоизларини оптималлаштириш, уй-жой бозоридаги фирибгарликлар учун назорат ва жавобгарликни кучайтириш, **уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш**, аҳоли учун белгиланаётган коммунал тўловлар миқдорини доимий назоратда тутиш, бу соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатадиган муқобил ташкилотлар ўртасидаги рақобатни ошириш тарафдоримиз.

Замонавий, юқори интеллектуал кадрлар – жамият барқарор ривожланишининг кафолати

Бугун биз ХХІ асрда – интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётган бир даврда яшаётганимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Шу маънода инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлигидир ва биз унинг ҳар томонлама кўпайиши ва тараққий этиши, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, юртимиз ва халқимиз манфаатларига садоқатли янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб биламиз.

Биз ўз олдимизга саноати юқори ривожланган, иқтисодиёти фан-техника ютуқлари ва инновацияга асосланган, демократик, ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, олий мактабларни тамомлаган, замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга малакали кадрларни кўпроқ тайёрлашга эътибор қаратамиз. Чунки олий маълумотга эга инсон давлатдан иш сўраб, ёрдам кутиб ўтирмайди, балки ўзининг ташаббускорлиги, зукколиги ва

уддабуронлиги, янгиликка интилувчанлиги билан янги иш ўринлари яратади, мамлакатнинг ривожланишида фаол иштирок этади.

Шундан келиб чиқиб, биз аҳолининг олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш, қолаверса, таълим ва тарбия соҳасида узвийликни таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларни устувор вазифалар сирасига киритамиз:

– халқ таълими тизимидаги ислохотларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш, таълим муассасаларида тиббий хизмат даражасини юксалтириш. Бу борада биз умумтаълим мактабларининг комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга оширишни режалаштирганмиз;

– келажакда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, «инновацион ва билим иқтисодиёти»га ўтиш эҳтиёжлари ҳамда аҳолининг демографик ўсиши ва бошқа жараёнларни инобатга олиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлигини босқичма-босқич ошириб бориш, давлат ва хусусий сектор маблағлари эвазига таълим грантлари ажратилиши тизимини такомиллаштириш;

– олий ўқув юрларининг мустақиллиги, инновацион инфратузилмасини ва илм-фан, саноат ва иқтисод билан алоқасини кучайтириш, уларнинг базасида кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш;

– олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги квоталар тизимини қайта кўриш, барча талабгорларга олий таълим олиш ҳуқуқини бериш орқали иқтидорли ёшларни танлаб олиш сифатини ошириш;

– хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган олий маълумотга эга фуқароларимиз дипломларини нострификациядан ўтказиш тизимини соддалаштириш;

– ҳудудларнинг муайян иқтисодий устунликларидан келиб чиққан ҳолда, пойтахтда жойлашган олий таълим муассасаларини тегишли ҳудудларга босқичма-босқич кўчириш;

– масофадан туриб таълим беришнинг замонавий шаклларини жадал суръатлар билан ривожлантириш;

– олий таълим муассасаларини корпоратив турдаги олий таълим муассасаларига айлантириш орқали уларнинг соҳавий ихтисослашувини кучайтириш;

– ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмаларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий изланиш ва ишланмалар рақобатдошлигини кучайтириш;

– меҳнат ресурсларининг иш берувчи ва бозор талабларига тезроқ мослашишига кўмаклашиш мақсадида қисқа муддатли ўқувларни ташкиллаштирувчи давлат ва нодавлат касб таълими тизимини янада ривожлантириш.

Тинчликсевар, прогрессив ташқи сиёсат: миллий манфаатлар устуворлиги

Биз тинчликсевар ташқи сиёсат тарафдоримиз. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштириш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирокини кучайтиришни долзарб вазифа деб биламиз.

Биз Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясига асосланиб, жаҳон ҳамжамияти билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб ривожлантириш тарафдоримиз.

Биз бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, ҳеч қандай ҳарбий блокларга ва коалицияларга қўшилмаслик, ҳарбий мақсадларни назарда тутувчи ҳаракат ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатмаслик, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Биз ўзимизнинг яқин қўшниларимиз билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз. Қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларимизни минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари асосида қурамиз.

Биз халқаро демократик жамиятнинг БМТ тизимини кучайтиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини янги демократик дунёвий ҳамжамият яратиш томон ташланган муҳим қадам сифатида қўллаб-қувватлаймиз. Бундан кейин ҳам ядро қуролларисиз дунё, Марказий Осиёда ядро қуролларидан холи ҳудуд барпо этиш ғояларини илгари суришни давом эттираемиз.

Шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш дастури доирасидаги ижтимоий ва гуманитар лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш устувор вазифамиздир. Ушбу масалаларни ҳал қилишда БМТнинг ихтисослашган институтлари (ЮНЕП, ХМТ Тараққиёт дастури ва бошқалар) билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ижтимоий соҳага доир дастурларни ҳамкорликда амалга оширишда фаол иштирок этишни қўллаб-қувватлаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОД Н.М.УМАРОВНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Наримон Мажитович Умаровнинг** тақдимномасига биноан ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Н.М.Умаровнинг** ишончли вакиллари этиб рўйхатга олинсин:

Отарбаев Рауаж Жиенбаевич	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раисининг ўринбосари
Назаров Акбаржон Насирддинович	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати котиби
Турсунов Асрор Иргашевич	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Бухоро вилояти Кенгаши раиси
Хакимова Дилбар Артикбаевна	Жиззах давлат педагогика институти қошидаги «Сайилжой» академик лицейи кафедра мудири
Мақсудов Олимжон Файзуллаевич	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Наманган вилояти Кенгаши раиси
Мансурова Сурайё Равшановна	Алишер Навоий номидаги нашриёт давлат корхонаси директори
Бабабекова Муhiba Кличовна	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Самарқанд вилояти Кенгаши раисининг вақтинча вазифасини бажарувчиси
Усманова Юлдузхон Маматқуловна	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Сирдарё вилоят филиали директори

Ҳамраев Рустам Раҳматович	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси
Бердиқулова Мавлуда Тождидиновна	Тошкент вилояти Паркент тумани 7-мактаб директори
Мухамедов Неъматулло Асатуллаевич	Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази директори
Холдорев Марифжон Махмудович	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши раиси
Абдуллаев Икрам Искандарович	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Хоразм вилояти Кенгаши раиси
Сахатов Комил Мейлиевич	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот котиби

2. Ишончли вакилларга белгиланган тартибда гувоҳнома топшириш Марказий сайлов комиссияси Котибияти бошлиғи С. Қурбанкулов зиммасига юклатилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
768-сон.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 28–28⁵-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида:

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston» ва «Yoshlar» республика телерадиоканалларида **638** дақиқадан эфир вақти 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 13 та маҳаллий телерадиоканалида 206 (286) дақиқадан эфир вақти 2-иловага мувофиқ;

«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида нашр майдонининг **6 саҳифасидан**, шунингдек «Овози тожик» ва «Нурлы жол» газеталарида нашр майдонининг **5 саҳифасидан** иборат нашр майдони 3 ва 3а-иловага мувофиқ;

30 та маҳаллий газетада нашр майдонининг **55,5 саҳифасидан** иборат нашр майдони 4-иловага мувофиқ;

республика минтақаларида **642** тадан ташқи реклама воситаси (махсус конструкциялар, шчитлар, экранлар, биллбордлар) 5-иловага мувофиқ;

республика минтақаларининг **36** та электрон мониторида ташвиқот роликларини жойлаштириш учун 5а-иловага мувофиқ бепул берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг барча оммавий ахборот воситаларида чиқишлари куйидаги тартибда амалга оширилсин:

а) Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – **Отамуратов Сарвар Садуллаевич**;

б) Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – **Мирзиёев Шавкат Миромонович**;

в) Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – **Кетмонов** Хатамжон Абдурахмонович;

г) Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – **Умаров** Наримон Мажитович.

3. Оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқоти даврида:

бепул берилган эфир вақти ва нашр майдони доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг чиқишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берсин;

янгиликлар дастурларида ва бошқа ахборот материалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тадбирларини ёритишда тенг шароитлар принципига риоя қилсин;

бошқа номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишдаги тенг ҳуқуқларини бузадиган, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини янгиликлар дастурларида ва бошқа ахборот материалларида ёритишдан ўзларини тийиб турсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 3 октябрда қабул қилинган 743-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом талабларига сўзсиз риоя қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги сайловолди ташвиқоти даврида:

оммавий ахборот воситаларида, шунингдек умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тадбирлари ёритиб борилиши устидан узлуксиз мониторинг ўтказилишини таъминласин;

мониторинг маълумотларини ҳар куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ташқи реклама воситалари аниқ жойини белгилаб олсин ва уларни сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тенг шартларда тақдим этсин;

биноларга, иншоотларга, ташқи реклама воситаларига ва бошқа ерларга жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материалларининг сайловга бир кун қолганда олиб ташланишини таъминласин;

тегишли округ ҳудудида сайловолди ташвиқоти давомида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан самарали назорат ўрнатсин.

6. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида авиация ва темир йўлнинг йўловчи транспортида бепул юриш ҳуқуқини таъминласин.

7. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25⁵-моддасига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни мажбурий келтириш, шунингдек унинг шахсий буюмларини, юқини, транспортини, турар жойи ва хизмат хоналарини кўрикдан ўтказишга йўл қўйилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш вақтида транспортда кузатиб бориш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоратадбирларини кўрсин.

9. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тенг шартларда жиҳозланган хоналар бепул тақдим этилишини таъминласин, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда кўмаклашсин.

10. Ушбу қарор Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

11. Ушбу қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адилов зиммасига юклатилсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
764-сон.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги
764-сон қарорига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг республика теле- ва
радиоканалларида бепул эфир вақтини ажратиш
Ж А Д В А Л И**

Ҳафта кунлари	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар	Эфирга чиқиш вақти	
		«O‘zbekiston» телерадиоканаллари	«Yoshlar» телерадиоканаллари
Душанба, Сешанба	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан номзод Отамуратов Сарвар Садуллаевич	1-ҳафта душанба 20.00–21.00 сешанба 07.00–08.00 2-ҳафта душанба 20.00–20.40 сешанба 07.00–07.40 3-ҳафта душанба 20.00–20.40 сешанба 07.00–07.40 4-ҳафта душанба 20.00–20.40 сешанба 07.00–07.40 5-ҳафта душанба 20.00–20.40 сешанба 07.00–07.40	1-ҳафта душанба 22.35–23.35 сешанба 11.00–12.00 2-ҳафта душанба 22.35–23.15 сешанба 11.00–11.40 3-ҳафта душанба 22.35–23.15 сешанба 11.00–11.40 4-ҳафта душанба 22.35–23.15 сешанба 11.00–11.40 5-ҳафта душанба 22.35–23.15 сешанба 11.00–11.40
Сешанба, Чоршанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Мирзиёев Шавкат Миромонович	1-ҳафта сешанба 20.00–21.00 чоршанба 07.00–08.00 2-ҳафта сешанба 20.00–20.40 чоршанба 07.00–07.40 3-ҳафта сешанба 20.00–20.40 чоршанба 07.00–07.40 4-ҳафта сешанба 20.00–20.40 чоршанба 07.00–07.40 5-ҳафта сешанба 20.00–20.40 чоршанба 07.00–07.40	1-ҳафта сешанба 22.35–23.35 чоршанба 11.00–12.00 2-ҳафта сешанба 22.35–23.15 чоршанба 11.00–11.40 3-ҳафта сешанба 22.35–23.15 чоршанба 11.00–11.40 4-ҳафта сешанба 22.35–23.15 чоршанба 11.00–11.40 5-ҳафта сешанба 22.35–23.15 чоршанба 11.00–11.40

<p>Чоршанба, Пайшанба</p>	<p>Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович</p>	<p>1-хафта чоршанба 20.00–21.00 пайшанба 07.00–08.00</p> <p>2-хафта чоршанба 20.00–20.40 пайшанба 07.00–07.40</p> <p>3-хафта чоршанба 20.00–20.40 пайшанба 07.00–07.40</p> <p>4-хафта чоршанба 20.00–20.40 пайшанба 07.00–07.40</p> <p>5-хафта чоршанба 20.00–20.40 пайшанба 07.00–07.40</p>	<p>1-хафта чоршанба 22.35–23.35 пайшанба 11.00–12.00</p> <p>2-хафта чоршанба 22.35–23.15 пайшанба 11.00–11.40</p> <p>3-хафта чоршанба 22.35–23.15 пайшанба 11.00–11.40</p> <p>4-хафта чоршанба 22.35–23.15 пайшанба 11.00–11.40</p> <p>5-хафта чоршанба 22.35–23.15 пайшанба 11.00–11.40</p>
<p>Пайшанба, Жума</p>	<p>Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан номзод Умаров Наримон Мажитович</p>	<p>1-хафта пайшанба 20.00–21.00 жума 07.00–08.00</p> <p>2-хафта пайшанба 20.00–20.40 жума 07.00–07.40</p> <p>3-хафта пайшанба 20.00–20.40 жума 07.00–07.40</p> <p>4-хафта пайшанба 20.00–20.40 жума 07.00–07.40</p> <p>5-хафта пайшанба 20.00–20.40 жума 07.00–07.40</p>	<p>1-хафта пайшанба 22.35–23.35 жума 11.00–12.00</p> <p>2-хафта пайшанба 22.35–23.15 жума 11.00–11.40</p> <p>3-хафта пайшанба 22.35–23.15 жума 11.00–11.40</p> <p>4-хафта пайшанба 22.35–23.15 жума 11.00–11.40</p> <p>5-хафта пайшанба 22.35–23.15 жума 11.00–11.40</p>

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳар бирига ҳар бир теле- ва радиоканалда 440 дақиқадан эфир вақти берилади (ягона блокда ташвиқот роликлари трансляциясидан ташқари).

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳар бирига видео- ва радиороликларни трансляция қилиш учун 2016 йилнинг 31 октябридан 2 декабригача ҳар куни ҳар бир теле- ва радиоканалда 6 дақиқа (жами 198 дақиқа) эфир вақти ҳам берилади.

Теле-, радиоканаллар дастурида ўзгаришлар рўй берса, хабар тарқатувчи барча номзодлар учун тенг шарт-шароитларни сақлаган ҳолда сайловолди ташвиқоти материалларини эфирга узатиш вақтини бошқа вақтга (кунга) кўчириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар эфир вақтидан хабар тарқатувчи билан келишган ҳолда сайловолди ташвиқоти даври учун ажратилган умумий эфир вақти доирасида сайловолди ташвиқотининг бошқа ҳафталарида фойдаланишлари мумкин.

**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг маҳаллий
телерадиоканалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига
номзодларга ажратилган эфир вақтининг**

У М У М И Й Ҳ А Ж М И

Минтақалар	Телерадиоканалнинг номланиши	Ҳар бир теле- ва радиоканалда бир номзод учун ажратилган эфир вақтининг ҳажми
Қорақалпоғистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Андижон вилояти	Андижон вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Бухоро вилояти	Бухоро вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Жиззах вилояти	Жиззах вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Қашқадарё вилояти	Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Навоний вилояти	Навоний вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Наманган вилояти	Наманган вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Самарқанд вилояти	Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Сурхондарё вилояти	Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Сирдарё вилояти	Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Фарғона вилояти	Фарғона вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Хоразм вилояти	Хоразм вилояти телерадиокомпанияси	140 дақиқа
Тошкент вилояти	«Toshkent» телерадиоканали	220 дақиқа
Тошкент шаҳри		
Жами	13 та	1900 дақиқа

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳар бирига видео- ва радиороликларни трансляция қилиш учун 2016 йилнинг 31 октябрдан 2 декабригача ҳар куни ҳар бир маҳаллий телерадиоканалда 2 дақиқа (жами 66 дақиқа) эфир вақти ҳам берилади.

Теле-, радиоканаллар дастурида ўзгаришлар рўй берса, хабар тарқатувчи барча номзодлар учун тенг шарт-шароитларни сақлаган ҳолда сайловолди ташвиқот материалларини эфирга узатиш вақтини бошқа вақтга (кунга) кўчириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар эфир вақтидан хабар тарқатувчи билан келишган ҳолда бутун сайлов даври учун ажратилган умумий эфир вақти доирасида сайловолди ташвиқотининг бошқа ҳафталарида фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги
764-сон қарорига 3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга
«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида
бепул нашр майдонини ажратиш
Ж А Д В А Л И**

Т/р	Хафтанинг кунлари	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар	Биринчи саҳифа	Иккинчи саҳифа
			Анонс учун	Материал учун
1	Сешанба	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан номзод Отамуратов Сарвар Садуллаевич	Юқори қисмнинг ўнг томони	Бир саҳифа (1-ҳафтада икки саҳифа)
2	Чоршанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Мирзиёев Шавкат Миромонович	Юқори қисмнинг ўнг томони	Бир саҳифа (1-ҳафтада икки саҳифа)
3	Пайшанба	Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович	Юқори қисмнинг ўнг томони	Бир саҳифа (1-ҳафтада икки саҳифа)
4	Жума	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан номзод Умаров Наримон Мажитович	Юқори қисмнинг ўнг томони	Бир саҳифа (1-ҳафтада икки саҳифа)

Изоҳ: Сайловолди ташвиқоти материалларини чоп этиш учун газетанинг иккинчи (1-ҳафтада иккинчи ва учинчи) саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқа анонс берилади.

Агар расмий ахборот кўпайиб кетса, сайловолди ташвиқоти материалларини жадвалда белгиланган чоп этиш муддати бошқа кунга кўчирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар нашр майдонларидан газета таҳририятлари билан келишган ҳолда сайловолди ташвиқоти даври учун ажратилган умумий нашр майдони доирасида сайловолди ташвиқотининг бошқа ҳафталарида фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги
764-сон қарорига 3а-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга
«Овози тожик» ва «Нурлы жол» газеталарида бепул нашр
майдонини ажратиш
Ж А Д В А Л И**

Т/р	Ҳафталар	«Овози тожик»	«Нурлы жол»	Биринчи саҳифа	Иккинчи ва учинчи саҳифа
				Анонс учун	Материал учун
1	1-ҳафта	Бир ярим саҳифа	Бир ярим саҳифа	Юқори қисмининг ўнг томони	Ёнма-ён, <u>ҳар бирига</u> 1,5 саҳифадан
2	2-ҳафта	Бир саҳифа	Бир саҳифа	Юқори қисмининг ўнг томони	Ёнма-ён, <u>ҳар бирига</u> 1 саҳифадан
3	3-ҳафта	Бир саҳифа	Бир саҳифа	Юқори қисмининг ўнг томони	Ёнма-ён, <u>ҳар бирига</u> 1 саҳифадан
4	4-ҳафта	Бир саҳифа	Бир саҳифа	Юқори қисмининг ўнг томони	Ёнма-ён, <u>ҳар бирига</u> 1 саҳифадан
5	5-ҳафта	Саҳифанинг иккидан бир қисми	Саҳифанинг иккидан бир қисми	Юқори қисмининг ўнг томони	Ёнма-ён, <u>ҳар бирига</u> саҳифаларнинг иккидан бир қисмидан

Изоҳ: Нашр майдони газетанинг ҳар бир сонидан икки нафар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига берилади.

Сайловолди ташвиқоти материалларини чоп этиш учун газетанинг иккинчи ва учинчи (1-ҳафтада иккинчи, учинчи ва тўртинчи) саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқа анонс берилади.

Агар расмий ахборот кўпайиб кетса, сайловолди ташвиқоти материалларини жадвалда белгиланган чоп этиш муддати бошқа кунга кўчирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар нашр майдонларидан газета таҳририятлари билан келишган ҳолда сайловолди ташвиқоти даври учун ажратилган умумий нашр майдони доирасида сайловолди ташвиқотининг бошқа ҳафталарида фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги
764-сон қарорига 4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун маҳаллий
газеталарда бепул ажратилган нашр майдонининг
У М У М И Й Ҳ А Ж М И**

Минтақалар	Газета номи	Формат (ҳажми)	Даврийлиги	Саҳифалар сони*
Қорақалпоғистон Республикаси	«Еркин Қарақалпақстан»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 3 марта	3 саҳифа
	«Қорақалпоғистон тонги»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 1 марта	1 саҳифа
	«Вести Каракалпақстана»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
Андижон вилояти	«Андижоннома»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
	«Андижанская правда»	А-3 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
Бухоро вилояти	«Бухоронома»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 1 марта	1 саҳифа
	«Бухарский вестник»	А-3 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
Жиззах вилояти	«Жиззах ҳақиқати»	А-3 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
	«Джизакская правда»	А-3 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
Қашқадарё вилояти	«Қашқадарё»	А-3 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
	«Новости Кашкадарьи»	А-3 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
Навоний вилояти	«Дўстлик байроғи»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
	«Знамя дружбы»	А-3 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
Наманган вилояти	«Наманган ҳақиқати»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
	«Наманганская правда»	А-3 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
Самарқанд вилояти	«Зарафшон»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 3 марта	3 саҳифа
	«Овози Самарқанд»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 1 марта	1 саҳифа
	«Самарқандский вестник»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 2 марта	2 саҳифа
Сурхондарё вилояти	«Сурхон тонги»	А-2 (2 босма табақ)	хафтада 1 марта	1 саҳифа
	«Заря Сурхана»	А-3 (2 босма табақ)	бир ойда 2 марта	саҳифанинг иккидан бир қисми

Сирдарё вилояти	«Сирдарё ҳақиқати»	A-3 (2 босма табақ)	ҳафтада 2 марта	2 саҳифа
	«Сырдарьинская правда»	A-3 (2 босма табақ)	ҳафтада 1 марта	1 саҳифа
Тошкент вилояти	«Тошкент ҳақиқати»	A-2 (2 босма табақ)	ҳафтада 2 марта	2 саҳифа
	«Ташкентская правда»	A-2 (2 босма табақ)	ҳафтада 2 марта	2 саҳифа
Фарғона вилояти	«Фарғона ҳақиқати»	A-2 (2 босма табақ)	ҳафтада 2 марта	2 саҳифа
	«Ферганская правда»	A-2 (2 босма табақ)	ҳафтада 1 марта	1 саҳифа
Хоразм вилояти	«Хоразм ҳақиқати»	A-2 (2 босма табақ)	ҳафтада 2 марта	2 саҳифа
	«Хорезмская правда»	A-2 (2 босма табақ)	ҳафтада 1 марта	1 саҳифа
Тошкент шаҳри	«Тошкент оқшоми»	A-2 (2 босма табақ)	ҳафтада 5 марта	3 саҳифа
	«Вечерний Ташкент»	A-2 (2 босма табақ)	ҳафтада 5 марта	3 саҳифа
Жами	30 та нашр		55,5 саҳифа	

***Изоҳ:** Сайловолди ташвиқоти даврида бир номзод учун берилган нашр саҳифаларининг умумий сони (31 октябрдан 2 декабргача, жами 5 ҳафта).

Сайловолди ташвиқоти материалларини чоп этиш учун барча номзодларга газетанинг бир хил (иккинчи, учинчи, тўртинчи) саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқа анонс берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги
764-сон қарорига 5-илова

**Республика минтақаларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига
номзодлар учун бепул ажратилган ташқи реклама воситаларининг
МИҚДОРИ**

Минтақалар	Жами сайловчилар	Туманлар	Шаҳарлар			Жами ташқи реклама воситалари	шу жумладан хар бир номзод учун*
			республика бўйсунувидаги	вилоят бўйсунувидаги	туман бўйсунувидаги		
Қорақалпоғистон Республикаси	1 188 763	14	1	-	11	216	54
Андижон вилояти	1 984 247	14	-	2	9	212	53
Бухоро вилояти	1 265 163	11	-	2	9	188	47
Жиззах вилояти	844 309	12	-	1	5	152	38
Қашқадарё вилояти	1 984 042	13	-	1	11	208	52
Навоий вилояти	641 380	8	-	2	4	124	31
Наманган вилояти	1 771 067	11	-	1	7	160	40
Самарқанд вилояти	2 373 738	14	-	2	9	212	53
Сирдарё вилояти	529 810	8	-	3	2	120	30
Сурхондарё вилояти	1 581 214	13	-	1	7	176	44
Тошкент вилояти	1 943 289	14	-	4	12	256	64
Фарғона вилояти	2 417 891	15	-	4	5	212	53
Хоразм вилояти	1 167 263	10	-	1	2	112	28
Тошкент шаҳри	1 742 833	11	1	-	0	220	55
Жами	21 435 009	168	2	24	93	2568	642

***Изоҳ:** Қорақалпоғистон Республикасида ташқи рекламанинг 25 та воситасида ташвиқот материаллари қорақалпоқ тилида берилади. Тошкент шаҳри туманларида хар бир номзод учун 5 тадан ташқи реклама воситаси, вилоят марказларида ва Нукус шаҳрида 4 тадан, вилоят бўйсунувидаги бошқа шаҳарларда 3 тадан, туманлар ва туманлар бўйсунувидаги шаҳарларда 2 тадан ташқи реклама воситаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги
764-сон қарорига 5а-илова

**Республика минтақаларида Ўзбекистон Республикаси
Президентлигига номзодларнинг ташвиқот роликларини
жойлаштириш учун бепул берилган электрон мониторлар
МИҚДОРИ**

Минтақалар	Жами электрон мониторлар
Андижон вилояти	3
Бухоро вилояти	2
Қашқадарё вилояти	6
Навоий вилояти	2
Наманган вилояти	3
Сирдарё вилояти	1
Фарғона вилояти	3
Хоразм вилояти	3
Тошкент шаҳри	13
Жами	36

Изоҳ: 36 та электрон мониторларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ташвиқот роликлари (30 сониядан) жойлаштирилиб, ягона блокда намоиш этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН
СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги бўйича билимларини янада ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглари концепцияси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишлаб 3 босқичли семинар-тренинглари ўтказилсин.

3. Белгилансинки, семинар-тренинглари 1-босқичда – октябрь ойида республика миқёсида, 2 ва 3-босқичларда – ноябрь ойида ҳудудлар миқёсида ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган республика онлайн семинар-тренинги дастури 1-иловага, ҳудудий семинар-тренинг дастури 2-иловага, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглари жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар семинар-тренинглари асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва сайлов участкаларини жиҳозлаш;

сайловчилар рўйхатини тузиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш;

сайлов жараёнида кузатувчилар иштирокининг аҳамияти;

сайловлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда бошқа муҳим масалалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари семинар-тренинглари ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари семинар-тренинглари белгиланган вақтда ва жойларда уюшқоқлик билан ўтказиш учун тегишли бинолар ва транспорт воситалари ажратилишида ҳамда иштирокчилар хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Курбанқулов зиммасига юклатилсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 13 октябрь,
755-сон.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 13 октябрдаги
755-сон қарорига 1-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН
РЕСПУБЛИКА ОНЛАЙН СЕМИНАР-ТРЕНИНГИ**

ДАСТУРИ

2016 йил 20 октябрь

9.30–10.00	Семинар-тренинг иштирокчиларини рўйхатга олиш Тадбирнинг очилиши
10.00–10.40	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этишнинг долзарб масалалари <i>М. Абдусаломов</i> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси
10.40–11.00	«Сайлов – 2016» Участка сайлов комиссиясининг иш тартиби тўғрисида ўқув фильми
11.00–11.15	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳақида <i>К. Адиллов</i> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари
11.15–11.35	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари иш фаолиятини ташкил этиш масалалари <i>С. Қурбанкулов</i> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг котиби
11.35–11.50	Участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш ҳақида <i>О. Абдуназаров</i> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси
11.50–12.05	Сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари: миллий тажриба <i>У. Шерматов</i> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси эксперти
12.05–12.25	Кофе-брейк

12.25–12.40	Муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилиш <i>Ғ. Машиқуров</i> <i>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси</i> <i>Қотибияти бўлим бошлиғи</i>
12.40–12.55	Овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш <i>Т. Ширинов</i> <i>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси</i>
12.55–13.10	Сайлов жараёнида кузатувчиларнинг ўрни <i>Г. Маликова</i> <i>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси эксперти</i>
13.10–13.25	ОАВнинг сайлов очиклиги ва ошкоралигини таъминлашдаги иштироки <i>Н. Нурматов</i> <i>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси</i> <i>Матбуот хизмати раҳбари</i>
13.25–14.00	<i>Мунозара, савол-жавоблар</i>
14.00	<i>Тадбирни якунлаш</i>

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 13 октябрдаги
755-сон қарорига 2-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН
ҲУДУДИЙ СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР**

ДАСТУРИ

(Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун)
2016 йил 1–10 ноябрь

9.30–10.00	Семинар-тренинг иштирокчиларини рўйхатга олиш
Тадбирнинг очилиши	
10.00–10.10	Кириш сўзи <i>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси</i>
10.10–10.25	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳақида <i>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси</i>
10.25–10.45	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари иш фаолиятини ташкил этиш масалалари <i>Округ сайлов комиссияси аъзоси</i>
10.45–11.00	Участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш ҳақида <i>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси, Ҳудудий молия бошқармаси бошлиғи</i>
11.00–11.15	Сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари: миллий тажриба <i>ФЖШМҚМИ вакили</i>
11.15–11.35	Овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонуний тизимни тушунтириш <i>Ҳудудий адлия бошқармаси бошлиғи</i>
11.35–11.50	Муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилиш <i>Округ сайлов комиссияси аъзоси</i>
11.50–12.05	Сайлов жараёнида кузатувчиларнинг ўрни <i>ФЖШМҚМИ вакили</i>
12.05–12.20	ОАВнинг сайлов очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашдаги иштироки <i>Ҳудудий матбуот маркази раҳбари</i>
12.20–12.50	<i>Мунозара, савол-жавоблар</i>
12.50	<i>Тадбирни яқунлаш</i>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН
МАҲАЛЛИЙ СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР**

ДАСТУРИ

(туманлар ва шаҳарлар учун)
2016 йил 21–30 ноябрь

9.30–10.00	Семинар-тренинг иштирокчиларини рўйхатга олиш Тадбирнинг очилиши
10.00–10.10	Кириш сўзи <i>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси вакили</i>
10.10–10.25	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳақида <i>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси вакили</i>
10.25–10.45	Сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари: миллий тажриба <i>ФЖШМҚМИ вакили</i>
10.45–11.00	Муддатидан олдин овоз бериш жараёнида участка сайлов комиссияси аъзоларининг вазифалари <i>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси эксперти</i>
11.00–11.15	Сайлов куни участка сайлов комиссияси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар <i>Округ сайлов комиссияси аъзоси</i>
11.15–11.30	Халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби <i>ФЖШМҚМИ вакили</i>
11.30–12.15	<i>Мунозара, савол- жавоблар</i>
12.15	<i>Тадбирни якунлаш</i>

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 13 октябрдаги
755-сон қарорига 3-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА
САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА
БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР**

Ж А Д В А Л И

Т/р.	Худудлар	Ўтказиш санаси ва жойи	Семинар-тренингни ўтказувчи гуруҳ таркиби	Масъуллар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2016 йил 2 ноябрь Нукус шаҳри 3–5 ноябрь туман ва шаҳарларда	<p>С.Қурбанкулов – Марказий сайлов комиссияси қотиби Ж.Садиков – Марказий сайлов комиссияси аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири М.Бабаназарова – Марказий сайлов комиссияси аъзоси У.Жалменов – 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси Ж.Абдижамиллов – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты О.Тургунов – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра муdiri Б.Утегенов – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари М.Сарыбаев – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими раҳбари</p>	<p>С. Қурбанкулов У. Жалменов Б. Утегенов</p>

2.	Андижон вилояти	2016 йил 4 ноябрь Андижон шаҳри 5–7 ноябрь туман ва шаҳарларда	<p>Т.Ширинов – Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси Ф.Ахмедова – Марказий сайлов комиссияси аъзоси О.Мирзаев – 2-Андижон округ сайлов комиссияси раиси А.Жумабаев – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ш.Рўзиназаров – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети кафедра профессори Ш.Эгамбердиев – Андижон вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари У.Ахмедов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими раҳбари</p>	<p>Т. Ширинов О. Мирзаев Ш. Эгамбердиев</p>
3.	Бухоро вилояти	2016 йил 2 ноябрь Бухоро шаҳри 3–5 ноябрь туман ва шаҳарларда	<p>О.Абдуназаров – Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси Ё.Фаттоев – Марказий сайлов комиссияси аъзоси М.Даминов – 3-Бухоро округ сайлов комиссияси раиси Ш.Бафаев – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ш.Файзиев – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази «Давлат ҳуқуқий фанлар» кафедраси профессори Ш.Асадов – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра аъзоси О.Файзиев – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бўлим бошлиғи Д.Суфиева – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходими Ф.Латинов – Бухоро вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари</p>	<p>О. Абдуназаров М. Даминов Ф. Латинов</p>

4.	Жиззах вилояти	2016 йил 8 ноябрь Жиззах шаҳри 9–10 ноябрь туман ва шаҳарларда	<p>К.Адилов – Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Э.Ходжақулов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси А.Сагтаров – 4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси А.Кадиров – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Г.Маликова – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири Ш.Назаров – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети кафедра аъзоси Ш.Низамов – Жиззах вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Д.Мирзаахмедов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими раҳбари</p>	<p>К. Адилов А. Сагтаров Ш. Низамов</p>
5.	Навоний вилояти	2016 йил 5 ноябрь Навоний шаҳри 6–8 ноябрь туман ва шаҳарларда	<p>О.Абдуназаров – Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ж.Норов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси Н.Исоков – 5-Навоний округ сайлов комиссияси раиси А.Ахмедов – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ш.Файзиев – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази «Давлат ҳуқуқий фанлар» кафедра профессори Ш.Асадов – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра аъзоси Ж.Хамраев – Навоний вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Х.Раупов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими раҳбари</p>	<p>О. Абдуназаров Н. Исоков Ж. Хамраев</p>

6.	<p>Наманган вилояти</p>	<p>2016 йил 1 ноябрь Наманган шаҳри</p> <p>2–4 ноябрь туман ва шаҳарларда</p>	<p>Т.Ширинов – Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси А.Турахўжаев – Марказий сайлов комиссияси аъзоси П.Маткаримов – 6-Наманган округ сайлов комиссияси раиси А.Раҳманов – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ш.Рўзназаров – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети кафедра профессори Б.Бобохонов – Наманган вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари З.Худайбердиев – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими раҳбари</p>	<p>Т. Ширинов П. Маткаримов Б. Бобохонов</p>
7.	<p>Самарқанд вилояти</p>	<p>2016 йил 2 ноябрь Самарқанд шаҳри</p> <p>3–5 ноябрь туман ва шаҳарларда</p>	<p>Ш.Сирожиiddинов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ғ.Машқуров – Марказий сайлов комиссияси Умумий бўлим мудири Ф.Тошев – 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Ш.Полванов – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Р.Қобилов – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Х.Исламходжаев – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети кафедра аъзоси Ж.Бобоев – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири А.Курахмедов – Самарқанд вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ф.Раҳматов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими раҳбари</p>	<p>Ш. Сирожиiddинов Ф. Тошев А. Курахмедов</p>

8.	<p>Сирдарё вилояти</p>	<p>2016 йил 8 ноябрь Гулистон шаҳри</p> <p>9–10 ноябрь туман ва шаҳарларда</p>	<p>С.Курбанкулов – Марказий сайлов комиссияси қотиби О.Абдуназаров – Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси Ш.Файзиев – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази «Давлат ҳуқуқий фанлар» кафедраси профессори С.Қудратов – 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси К.Эрназаров – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ш.Асадов – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедраси аъзоси А.Абдурахмонов – Сирдарё вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ғ.Юсупов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими раҳбари</p>	<p>С. Курбанкулов С. Қудратов А. Абдурахмонов</p>
9.	<p>Сурхондарё вилояти</p>	<p>2016 йил 1 ноябрь Термиз шаҳри</p> <p>2–4 ноябрь туман ва шаҳарларда</p>	<p>К.Адилов – Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари А.Ахмедов – 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси Х.Расулов – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Г.Маликова – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедраси мудири Ш.Назаров – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети кафедраси аъзоси Б.Юнусов – Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Р.Норлиев – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими раҳбари</p>	<p>К. Адилов А. Ахмедов Б. Юнусов</p>

10.	Тошкент вилояти	2016 йил 5 ноябрь Чирчиқ шаҳри 6–10 ноябрь туман ва шаҳарларда	<p>Ш. Сирожиiddинов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ғ.Машкуров – Марказий сайлов комиссияси Умумий бўлим мудирини Х.Хамидов – 10–Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси А.Юнусова – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Г.Исмоилова – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра аъзоси А.Аюбджанов – Марказий сайлов комиссияси эксперти Б.Султонов – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходими Х.Исламходжаев – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети кафедраси аъзоси Ж.Бобоев – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети кафедра мудирини Б.Бегмагов – Тошкент вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари С.Мансурова – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими раҳбари</p>	<p>Ш. Сирожиiddинов Х. Хамидов Б. Бегмагов</p>
11.	Фарғона вилояти	2016 йил 7 ноябрь Фарғона шаҳри 8–10 ноябрь туман ва шаҳарларда	<p>Т.Ширинов – Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси М.Мирзаев – Марказий сайлов комиссияси аъзоси Н.Собиров – 11-Фарғона округ сайлов комиссияси раисини У.Суллаймонов – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ш.Рўзиназаров – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети кафедра профессорини А.Абдумаликов – Фарғона вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари М.Алиев – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими раҳбари</p>	<p>Т. Ширинов Н. Собиров А. Абдумаликов</p>

12.	Хоразм вилояти	2016 йил 5 ноябрь Урганч шаҳри 6–8 ноябрь туман ва шаҳарларда	<p>С.Курбанкулов – Марказий сайлов комиссияси котиби О.Бобожонов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси Р.Жабборов – 12-Хоразм округ сайлов комиссияси раиси К.Джумамуратова – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты О.Тургунов – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири М.Гулямов – Хоразм вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари И.Абдуллаев – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими раҳбари</p>	С. Курбанкулов Р. Жабборов М. Гулямов
13.	Қашқадарё вилояти	2016 йил 4 ноябрь Қарши шаҳри 5–8 ноябрь туман ва шаҳарларда	<p>К.Адилов – Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Э.Ражабов – Марказий сайлов комиссияси аъзоси И.Жураев – 13-Қашқадарё округ сайлов комиссияси раиси К.Каромова – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Г.Маликова – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири Ш.Назаров – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети кафедра аъзоси А.Аннаев – Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари У.Қобилов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими раҳбари</p>	К.Адилов И.Жураев А.Аннаев

14.	Тошкент шаҳри	2016 йил 2 ноябрь Тошкент шаҳри 3—4 ноябрь туманларда	<p>М.Абдусаломов – Марказий сайлов комиссияси раиси С.Артикова – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Х.Абдурахманов – Марказий сайлов комиссияси Ташкилий-методик бўлим мудир Н.Нурматов – Марказий сайлов комиссияси Мағбуот хизмати раҳбари А.Юнусходжаев – 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Е.Канъязов – 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Р.Ҳакимов – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мулофаа ва хавфизлик масалалари кўмитаси аъзоси М.Хусанова – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати У.Халилов – Марказий сайлов комиссияси эксперти Х.Одилқориев – Марказий сайлов комиссияси эксперти Г.Исмоилова – Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедре аъзоси И.Бердибеков – Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Д.Аюпов – Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими раҳбари</p>	<p>Х. Абдурахманов А. Юнусходжаев И. Бердибеков</p>
-----	---------------	--	---	---

Изоҳ: Жадвалдаги тадбирларни ўтказиш санаси Марказий сайлов комиссияси билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ
УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ
МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН
СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР
КОНЦЕПЦИЯСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида участка сайлов комиссияларининг ўрни ҳамда аҳамияти ўта муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунида участка сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тавсиясига кўра тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланиши назарда тутилгани уларнинг холис ва адолатли фаолият юритишининг кафолатини англатади.

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5–19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9377 та сайлов участкаси тузилди. Айни вақтда жойларда участка сайлов комиссияси таркибини шакллантириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Участка сайлов комиссияларининг фаолияти қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлилик принципларига асосланади. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари билан бирга участка сайлов комиссияси аъзоларининг сайловга оид қонунчилик ва уни қўллаш борасида билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида семинар-тренинглар уюштирмоғи лозим.

Ушбу семинар-тренинглارни ўтказиш уч босқичда режалаштирилмоқда.

Биринчи босқичда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган **республика онлайн семинар-тренинги** ўтказилади. Унинг ишида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, экспертлари билан биргаликда жойлардаги округ сайлов комиссияларининг аъзолари ва экспертлари иштирок этади.

Иккинчи босқичда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва экспертлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маркази ва Тошкент шаҳрида округ сайлов комиссияси аъзолари, экспертлари ва матбуот гуруҳи аъзолари билан **ҳудудий семинар-тренинглар** ташкил этилади.

Учинчи босқичда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва экспертлари, округ сайлов комиссияларининг аъзолари ва экспертлари ҳамда матбуот гуруҳи аъзолари туманлар ва шаҳарларда участка

сайлов комиссиялари аъзолари билан белгиланган дастур асосида **маҳаллий семинар-тренинглар** ташкил этадилар.

Ушбу босқичдаги семинар-тренинглarda барча участка сайлов комиссияси аъзолари тўлиқ қамраб олинади.

Семинар-тренингларни ташкил этишдан асосий мақсад:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва малакасини ошириш ҳамда участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этишдан иборат.

Тадбирларни ўтказиш санаси ва жойи:

2016 йил 20 октябрь куни Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган **республика онлайн семинар-тренинги** ўтказилади.

Шунингдек, **ҳудудий семинар-тренинглар** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар марказларида ўтказилади, **маҳаллий семинар-тренинглар** туман, шаҳар марказларида ўтказилади. Ҳудудий ва маҳаллий семинар-тренингларни ўтказиш вақти Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Ташкилотчилар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ҳудудий семинар иштирокчилари:

1. Округ сайлов комиссияси аъзолари.
2. Округ сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари.
3. Вилоят Адлия бошқармаси вакиллари.
4. ФЖШМҚМИ ҳудудий бўлими вакиллари.
5. Оммавий ахборот воситалари вакиллари.
6. Округ сайлов комиссияси экспертлари.

Ҳудудий семинар-тренинглар тугагач, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида маҳаллий семинар-тренингларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов

комиссиялари аъзолари, экспертлари – 6–7 кишидан иборат бир неча тарғибот гуруҳлари ташкил этилади. Улар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган мавзуларга оид тезислар асосида туман, шаҳар марказларида участка сайлов комиссиялари аъзолари билан тасдиқланган жадвал бўйича маҳаллий семинар-тренинглар ўтказишади.

Маҳаллий семинар-тренинглар участка сайлов комиссиялари аъзолари билан бир неча маротаба ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Биринчи маротаба жорий йилнинг **ноябрь ойи биринчи ўн кунлигида**, иккинчи маротаба эса, жорий йилнинг **ноябрь ойи учинчи ўн кунлигида** ўтказилади.

Маҳаллий семинар иштирокчилари:

Участка сайлов комиссиялари аъзолари.

Семинар-тренинглар дастурида қуйидаги мавзулар белгиланган:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари иш фаолиятини ташкил этиш масалалари.

3. Участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш ҳақида.

4. Сайлов куни участка сайлов комиссияси томонидан амалга ошириладиган вазифалар.

5. Овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонуний тизимни тушунтириш.

6. Муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилиш.

7. Сайловчилар рўйхатини тузиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

8. Сайлов жараёнида халқаро кузатувчиларнинг ўрни.

9. Сайловларда очиқлик ва ошкораликни таъминлашда ОАВнинг роли.

Ҳар бир маъруза тезислари Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги, Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари асосида тайёрланади ва маърузачиларга етказиб берилади.

Ўтказиладиган тадбирлардан кутилаётган натижалар:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва малакасини ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари иш фаолиятини ташкил этишда қонун бузилишига йўл қўймаслик;

– сайлов жараёнида сайлов комиссиялари аъзолари учун қузатувчилар билан ишлаш, шу жумладан халқаро қузатувчиларни қутиб олиш, уларга қонун доирасида зарур маълумот бериш, суҳбатлашиш ва бошқа жараёнларни тушунтириш;

– овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказиш тартиботини тушунтириш;

– сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашдаги муҳим жиҳатлар ҳақида маълумот етказиш;

– участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш ҳақида тўлақонли ахборот билан таъминлаш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН
АЙРИМ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ
АХБОРОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси (У. Жалменов), 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси (С. Қудратов) ҳамда 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси (А. Юнусходжаев) раисларининг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан биргаликда участка сайлов комиссияларининг шахсий таркибини шакллантириш бўйича ишларни изчиллик билан давом эттирсинлар;

участка сайлов комиссияларининг алоқа воситалари билан таъминлашни, шу жумладан Интернет тармоғига уланишини таъминлаш юзасидан ишларни Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда амалга оширсинлар;

жойлардаги тегишли мутасадди ташкилотлар вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитсинлар;

ҳар бир сайлов округи ҳудудида ташкил этилган намунавий сайлов участкалари асосида барча сайлов участкаларини имкон қадар намунавий сайлов участкаси даражасига етказиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига жорий йил 18 октябрда ахборот берсинлар;

сайлов участкаларини ташкил қилишда овоз бериш кабиналаридан бири имконияти чекланган сайловчилар учун мўлжалланганлигига алоҳида эътибор қаратсинлар.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Қурбанкулов зиммасига юклансин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 13 октябрь,
756-сон.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ
АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларининг холисона ёритиб борилишини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларининг холисона ёритиб борилишини таъминлаш бўйича маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари рўйхати 1-иловага, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари рўйхати 2-иловага мувофиқ аккредитациядан ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти Матбуот хизмати (Н. Нурматов) аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари учун белгиланган намунадаги гувоҳномаларни (бейжикларни) тайёрлашни ва уларга ўрнатилган тартибда топширилишини таъминласин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адилов зиммасига юклансин.

Раис

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 13 октябрь,
757-сон.*

М. АБДУСАЛОМОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 13 октябрдаги
757-сон қарорига 1-илова

**АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛГАН МАҲАЛЛИЙ ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ**

Р Ў Й Х А Т И

Т/р	Ф.И.Ш.	Лавозими
Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси		
1.	Сабирджанова Римма Рашидовна	«Водий садоси» телерадиокомпанияси/«Зўр ТВ» телеканални тасвирчи ахборот хизмати мухбири
2.	Атаджанов Жамшидбек Абдулхамимович	«Водий садоси» телерадиокомпанияси/«Зўр ТВ» телеканални, тасвирчи
«Telegraf.uz» ахборот-таҳлилий сайти		
3.	Шарипов Жасур Шавкатович	Мухбир
www.nuz.uz ахборот сайти		
4.	Анна Гриценко	Мухбир
5.	Евгений Колосов	Мухбир
6.	Мақсад Джахангиров	Фотомухбир

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 13 октябрдаги
757-сон қарорига 2-илова*

**АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛГАН ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ**

Р Ў Й Х А Т И

1.	Шерали Аvezметов	Эрон «Far news» ахборот агентлиги
2.	Осман Гокмен	Туркия «TRT» телерадиоканали
3.	Ли Яоюаня	ХХР «Цзинцзи Жибао» газетаси

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ
АЪЗОСИ А.ОМАНОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Абдушкур Овчиевич Омановнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 13 октябрь,
758-сон.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК АЙРИМЛАРИНИ ЎЗ КУЧЕНИ
ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучени йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби (С. Қурбанкулов):

ўзгартиришлар киритилган ва ўз кучени йўқотган қарорларнинг назорат ҳолатига келтирилишини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг амалдаги қарорларининг тизимлаштирилишини ва назорат ҳолатида сақланишини таъминласин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адилов зиммасига юклансин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 13 октябрь,
759-сон.*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 13 октябрдаги
759-сон қарорига 1-илова*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛАЁТГАН
АЙРИМ ҚАРОРЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 12 ноябрдаги 329-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 1–4, 7-бандлари, шунингдек қарорга 1–3-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 3 февралдаги 677-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир айрим хужжатлар намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 1–3-бандлари, шунингдек қарорга 1–5-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 14 мартдаги 700–сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурининг ижроси тўғрисида»ги қарорида:

а) 2 ва 3-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

2. Участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаси 1-иловага, округ сайлов комиссиясининг сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш тўғрисидаги баённомаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Пластмассали бир маротаба ишлатишга мўлжалланган рақамланган пломбалардан фойдаланиш тартиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

б) 2-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 13 октябрдаги
759-сон қарорига 2-илова*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИЛАЁТГАН АЙРИМ ҚАРОРЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги 319-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ низом ва йўриқномалар тўғрисида»ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги 320-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови даврида оммавий ахборот воситалари вакилларига рўйхатга олинганлик гувоҳномаларини (мандатларни) бериш тартиби тўғрисида»ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 12 ноябрдаги 333-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида сайлов комиссияларининг аъзоларига иш ҳақи тўлаш тартиби тўғрисида»ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 16 ноябрдаги 345-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетени матнини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабрдаги 661-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш билан боғлиқ айрим низом ҳамда йўриқномаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 1 апрелдаги 704-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ»ДА
БЕЛГИЛАНГАН ТАДБИРЛАРНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 14 мартдаги 700–сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастури»да белгиланган тадбирларнинг ижроси тўғрисида»ги қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Қурбанкулов зиммасига юклансин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
769-сон.*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги
769-сон қарорига 1-илова*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ»ДА
БЕЛГИЛАНГАН ТАДБИРЛАРНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 2 ва 3-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаси намунаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Пластмассали бир мартаба ишлатишга мўлжалланган рақамланган пломбалардан фойдаланиш тартиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин».

2. 3-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 4-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

**ПЛАСТМАССАЛИ БИР МАРОТАБА ИШЛАТИШГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН РАҚАМЛАНГАН ПЛОМБАЛАРДАН
Фойдаланиш тартиби**
(янги таҳрири)

Мазкур ҳужжат пластмассали бир маротаба ишлатишга мўлжалланган рақамланган пломбалардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Пластмассали бир маротаба ишлатишга мўлжалланган рақамланган пломбалар барча сайлов участкаларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларида қўлланилади. Бунда:

пластмассали калта пломба овоз бериш учун мўлжалланган сайлов қутиларини (стационар (катта ва кичик) ҳамда кўчма сайлов қутиларини) пломбалаш учун;

пластмассали узун пломба сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари ва сайловга оид бошқа ҳужжатлар сақланадиган полипропилен қопларни пломбалаш учун мўлжалланган.

2. Пластмассали пломбалар сайлов қутилари ҳамда полипропилен қопларнинг бут сақланишини таъминлайди.

3. Пластмассали калта пломба сайлов участкаларига 5 дондан юборилади. Бунда 1 дона пластмассали калта пломба захира ҳисобланиб, бирорта пломба яроқсиз бўлиб қолган тақдирда қўлланилади.

4. Пластмассали узун пломба сайлов участкаларига 2 дондан юборилади. Бунда 1 дона пластмассали узун пломба захира ҳисобланиб, асосий пломба яроқсиз бўлиб қолган тақдирда қўлланилади.

5. Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин участка сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қутиларини текширади ва пломбалайди.

6. Сайлов қутиларини пломбалаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан юборилган пластмассали бир маротаба ишлатишга мўлжалланган рақамланган пломбалар орқали амалга оширилиши лозим. Бунда участка сайлов комиссияси раиси сайлов қутиларини пломбалаб, пломбаларнинг рақамларини кўрсатган ҳолда баённома тузилишини таъминлаши шарт.

Мазкур баённомада кўрсатилган пломбаларнинг рақамлари овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин улардаги пломбалар рақамлари билан таққосланади.

2-боб. Пломбалардан фойдаланиш

7. Пластмассали пломбалардан участка сайлов комиссиясининг аъзолари томонидан белгиланган муддатда ва жойда, сайловгача ва сайлов ўтказилгандан кейин фойдаланилади.

8. Пластмассали калта пломбадан фойдаланишда:

катта сайлов қутиларида уч дона тешик, кичик сайлов қутиларида уч дона тешик ва кўчма сайлов қутиларида бир дона тешик мавжуд бўлиб, пластмассали пломбанинг ингичка учи тартиб рақами кўрсатилган юз томонидаги тешикка тикилади ва унинг орқа томонидан тешикдан чиққан ингичка учини пломбага зарар етказмасдан қотгунча, қавариқ шакл пайдо бўлгунча куч билан охиригача тортилади;

пломбаларни ечишда ўткир қайчи ёки оддий омбирнинг кесувчи ён томони билан пломбанинг қулай жойидан кесилади ва ечиб олиш далолатномасида унинг тартиб рақами кўрсатилади;

фойдаланилган ва фойдаланилмаган (захира) пластмассали пломбалар ечиб олингандан сўнг, улар полипропилен қопларга жойлаштирилади ва ечиб олиш далолатномаси тузилади. Мазкур далолатнома участка сайлов комиссиясининг сайловга оид ҳужжатлари билан бирга сақланади.

9. Пластмассали узун пломбадан фойдаланишда:

сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари ва сайловга оид бошқа ҳужжатлар полипропилен қопга оҳиста жойлаштирилгандан сўнг, унинг ичидаги ҳаво сиқиб чиқарилиб, қопнинг оғзи маҳкам боғланади ҳамда тугуннинг ўзи ва тугун оралиғи бигиз ёки бошқа нарса билан 3,5 мм ҳажмда тешилади;

пломбанинг ингичка учи тартиб рақами кўрсатилган юз томонидаги тешикка тикилади ва унинг орқа томонидан тешикдан чиққан ингичка учини пломбага зарар етказмасдан қотгунча, қавариқ шакл пайдо бўлгунча куч билан охиригача тортилади;

пломбаларни ечишда ўткир қайчи ёки оддий омбирнинг кесувчи ён томони билан пломбанинг қулай жойидан кесилади ва ечиб олиш далолатномасида унинг тартиб рақами кўрсатилади;

фойдаланилган ва фойдаланилмаган (захира) пластмассали пломбалар ечиб олингандан сўнг, улар полипропилен қопларга жойлаштирилади ва ечиб олиш далолатномаси тузилади. Мазкур далолатнома участка сайлов комиссиясининг сайловга оид ҳужжатлари билан бирга сақланади.

10. Пластмассали пломбаларга шикаст етказиш (кесик, дарз, ёриқ ва бошқалар) тақиқланади.

3-боб. Яқуний қодалар

11. Пластмассали пломбаларга тезкор равишда қўшимча эҳтиёж туғилганда, участка сайлов комиссияси дарҳол тегишли округ сайлов комиссиясига зарур бўлган пломбалар сонини, турини ва участка сайлов комиссиясини кўрсатган ҳолда ёзма равишда мурожаат қилади.

12. Оқруг сайлов комиссияси зарур бўлган пластмассали пломбаларни захира ҳисобидан таъминлаш бўйича тезкор чораларни кўради. Бунда оқруг сайлов комиссияси томонидан бу ҳақда далолатнома тузилади.

13. Пластмассали пломбалар барча транспорт воситаларида ташилиши мумкин.

14. Пластмассали пломбалар хоналарда иссиқлик манбаларидан 1 метр узоқликда, куёш нури бевосита тушмайдиган ёғоч тагликларда (поддон), текис жойларда сақланиши шарт.

15. Пластмассали пломбаларни сақлаш шароитлари +10 градусдан + 35 градусгача бўлиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИГА ДОИР ТАКЛИФНОМАНИНГ НАМУНАСИ
ВА УНИНГ ТАВСИФИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир таклифноманинг намунаси 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир таклифноманинг тавсифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги 321-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир ҳужжатларнинг намуна ва шакллари тўғрисида»ги қарорининг 19-банди ва 19-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адилов зиммасига юклансин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
770-сон.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги
770-сон қарорига 1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ДОИР ТАКЛИФНОМАНИНГ НАМУНАСИ

юқори қисми

Хурматли _____!

Участка сайлов комиссияси Сизни 2016 йил 4 декабрь куни ўз конституциявий ҳуқуқингиздан фойдаланишга – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга таклиф қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди.

Уважаемый (ая) _____!

Участковая избирательная комиссия приглашает Вас 4 декабря 2016 года воспользоваться своим конституционным правом – принять участие в выборах Президента Республики Узбекистан.

Согласно статье 31 Закона Республики Узбекистан «О выборах Президента Республики Узбекистан» каждый избиратель голосует лично, голосование за других лиц не допускается.

Сайлов участкасининг манзили ва телефон рақами: _____
Адрес и номер телефона избирательного участка: _____

пастки қисми

Сийёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар: Кандидаты, выдвинутые от политических партий:

Ўзбекистон
«Миллий тикланиш»
демократик партияси



Сарвар
Садуллаевич
Отамуратов

Талбиркорлар ва
инбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси



Шавкат
Миромонович
Мирзиёев

Ўзбекистон
Халқ демократик
партияси



Хатамжон
Абдурахмонович
Кетмонов

Ўзбекистон «Адолат»
социал-демократик
партияси



Наримон
Мажитович
Умаров

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги
770-сон қарорига 2-илова*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ДОИР ТАКЛИФНОМАНИНГ ТАВСИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига таклифнома А5 форматдаги қоғозга олди ва орқа тарафига рангли бўёқлар билан чоп этиш орқали нашр этилади. Барча ёзувлар Times New Roman шрифтида ёзилади.

Қоғознинг олд тарафи пастки қисмида ҳаворанг нақшли фоннинг марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тимсоли (эмблемаси), унинг тагида катта босма ҳарфлар билан қора рангда 25 катталиқдаги шрифтда «САЙЛОВГА ТАКЛИФНОМА» сўзлари битилади. Ундан икки поғона пастда 22 катталиқдаги шрифтда: сайлов бўлиб ўтадиган йил, кун ва ой санаси ёзма равишда ҳамда унинг пастидида катта босма ҳарфлар билан «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ» деган сўзлар ёзилади.

Қоғознинг орқа тарафи икки тилла рангдаги нақшинкор хошияларга бўлинади. Нақшинкор хошияларнинг тўртта бурчагида тўртта учбурчак шаклида миллий нақш намунаси акс эттирилади ва улар икки қатор чизиқлар билан ўзаро бирлаштирилади.

Юқори нақшинкор хошиянинг ички қисмида қуйидаги матн тўқ ҳаворангда «Участка сайлов комиссияси Сизни 2016 йил 4 декабрь куни ўз конституциявий ҳуқуқингиздан фойдаланишга – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга таклиф қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди» сўзлари жойлаштирилади.

Пастки нақшинкор хошияларнинг ички қисмида имзо варақасини Марказий сайлов комиссиясига топшириш навбатида қараб, тартиб билан партиянинг номи ва унинг тимсоли ҳамда партия томонидан кўрсатилган Президентликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми жойлаштирилади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ
АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларининг холисона ёритиб борилишини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларининг холисона ёритиб борилишини таъминлаш бўйича оммавий ахборот воситаларининг иловада кўрсатилган вакиллари аккредитациядан ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти Матбуот хизмати (Н. Нурматов) аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари учун белгиланган намунадаги гувоҳномаларни (бейжикларни) тайёрлашни ва уларга ўрнатилган тартибда топширилишини таъминласин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адиллов зиммасига юклансин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
771-сон.*

**АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛГАН ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ**

Т/р.	«www.daryo.uz» ахборот сайти	
1.	Азимов Алишер Тохтасинов	Бош мухаррир
2.	Нурманова Мадина Шухратовна	Фотомухбир
3.	Агзамходжаев Мухримхон Масъудович	Мухбир
«O‘zbekkino» миллий агентлиги		
4.	Шамсиддинов Комилжон Камариддинович	Бош мухаррир
5.	Шакиров Дониёр Бахтиярович	Режиссёр
6.	Саидтурғутхонов Саиддалилхон Дониёрхон ўғли	Оператор
7.	Мамажанов Бахтиёр Рахмонжонович	Оператор
8.	Суннатиллаев Самижон Зиёдиллаевич	Оператор
9.	Нугманов Комилжон Рустам ўғли	Техник
Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги		
10.	Алижонова Севара Улуғбек қизи	Мухбир
«www.uznews.uz» ахборот сайти		
11.	Юсупов Бекзод Дилшадович	Бош мухаррир
«Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society» журнали		
12.	Шодиев Нуроли Очилович	Мухаррир

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА
БОШҚА ДАВЛАТЛАР, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА
ҲАРАКАТЛАРДАН КУЗАТУВЧИЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Низомининг 1, 2, 3-бандларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар иловага мувофиқ рўйхатдан ўтказилсин.
2. Марказий сайлов комиссияси Котибияти (С. Қурбанкулов) рўйхатдан ўтказилган хорижий (халқаро) кузатувчиларга белгиланган намунадаги мандатлар тайёрлаш ҳамда хорижий (халқаро) кузатувчиларга топширилишини ташкил этсин.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адиллов зиммасига юклансин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 октябрь,
772-сон.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги
772-сон қарорига илова

**ЕХХТ ДИИХБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИНИ КУЗАТИШ БЎЙИЧА МИССИЯСИ АСОСИЙ ГУРУҲИ
РЎЙХАТИ**

Т/р.	Ф.И.Ш.	Лавозими
1.	Йохан Петер Трауготт Тейлер	Миссия раҳбари
2.	Паулина Мария Лемос	Миссия раҳбари ўринбосари
3.	Стефан Цведа	Сиёсий масалалар бўйича мутахассис
4.	Каха Инашвили	Сайловлар бўйича мутахассис
5.	Иван Цикота	Сайловлар бўйича мутахассис
6.	Елизавет Карагианниду	Ҳуқуқий масалалар бўйича мутахассис
7.	Инга Ласе	ОАВ бўйича мутахассис
8.	Андрей Ханжин	Озчиликни ташкил этувчи миллатлар бўйича мутахассис
9.	Юрга Луксайте-Ролинг	Узоқ муддатли кузатувчилар координатори
10.	Ульви Ахундлу	ДИИХБнинг сайлов бўйича маслаҳатчиси
11.	Валериу Мия	Хавфсизлик масалалари бўйича мутахассис
12.	Ранко Вукчевич	Операциялар бўйича мутахассис
13.	Ханна Ефременко	Операциялар бўйича кичик мутахассис
14.	Пшемислав Петр Ласковски	ДИИХБнинг таъминот масалалари бўйича ёрдамчиси
15.	Лела Цаава	ДИИХБнинг шартномалар тузиш ва сотиб олиш масалалари бўйича ходими
16.	Катаржина Ивона Янки-Ковальчик	ДИИХБнинг бюджет бўйича ёрдамчиси
17.	Ведрана Халилович	ДИИХБнинг бюджет бўйича ёрдамчиси

САЙЛОВ – 2016

ХРОНИКА

Жорий йилнинг 6–10 октябрь куни Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Адилов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси делегацияси 9 октябрь куни бўлиб ўтган Литва Республикаси Сейми депутатлари сайловининг халқаро кузатувида иштирок этди.

Сайловларнинг халқаро кузатуви демократияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг энг шаффоф усулларида бири ҳисобланади. Бу сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралиги тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Литвада Сеймга сайлов икки босқичда амалга оширилади: биринчиси – партия рўйхатлари бўйича овоз бериш, иккинчиси – бир мандатли округларда овоз бериш. Парламент сайловида 14 та сиёсий партия ва 2 та коалиция иштирок этди. 141 мандатга 1400 нафар номзодлар даъвогарлик қилди.

Ўзбекистон вакиллари 2015 йилда Литванинг маҳаллий сайловларида халқаро кузатувчилар сифатида иштирок этишганди. Ўз навбатида, Литва Республикаси парламенти ва Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари 2014 ва 2015 йилда мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент ва президент сайловларини кузатишда қатнашган.

2016 йилнинг 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари таклифлари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Дастур фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун, сўнгги йилларда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов

масалаларини тартибга солувчи қарорларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш ишларини олиб боришни назарда тутди.

Тарғибот тадбирлари давра суҳбати, семинар, учрашув, бевосита мулоқот, конференция, тренинг шаклида, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилиш, турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш орқали амалга оширилади.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи маротаба овоз берувчи фуқаролар, нуронийлар, имконияти чекланган шахслар, ҳарбий хизматчилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари вакиллари, шунингдек хориждаги ҳамюртларимизни қамраб олади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика байналмилал маданият маркази ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва электорал фаоллигини янада ошириш мақсадида «Менинг овозим – Ватаним келажаги», «Мен шахсан ўзим овоз бераман», «Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эга», «Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз», «Сайловчилар рўйхатида бормисиз?», «Ягона оилада» номли турли акцияларни ўтказишни режалаштирмоқда.

Барча тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

Мажлисида, шунингдек 7-Самарқанд, 9-Сурхондарё, 11-Фарғона округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишларининг бориши ҳақидаги ахборотлари эшитилди. Округ сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкалари тузилгани қайд этилди. Ҳозирги кунда республика ва хорижда 9376 та сайлов участкаси тузилди. Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш ишлари бошлаб юборилди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Кўрилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

* * *

Жорий йилнинг 11 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов департаменти раҳбари Александр Шлик бошчилигида мамлакатимизга ташриф буюрган Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси (ЭБМ) экспертлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов экспертларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берди. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси низомлари ва йўриқномаларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури тасдиқланди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида амалга оширилмоқда. Сайлов кампанияси билан боғлиқ барча материаллар Марказий сайлов комиссияси сайтига жойлаштирилмоқда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ҳамда округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда, Марказий сайлов комиссияси йиғилишлари онлайн шаклда ўтказилмоқда.

ЭБМ экспертларининг фикрича, Марказий сайлов комиссияси томонидан бўлажак сайловларни кузатиш юзасидан ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросига таклифноманинг ўз вақтида юборилгани халқаро сайлов стандартлари талабларига тўла мос келади.

Учрашувда қайд этилганидек, Марказий сайлов комиссияси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчиллик билан такомиллаштирмоқда. Бунда халқаро кузатувчилар, хусусан, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг ўтган сайловлардаги кузатувлари натижалари бўйича тавсиялари инобатга олинмоқда.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартишлар, хусусан, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президенти номзодини қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур имзолари 5 фоиздан 1 фоизга камайтирилганлигини ижобий баҳолади.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари Марказий сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиялари вакиллари учун ўтказилган онлайн семинар-тренингларга ҳам юқори баҳо берди.

Учрашувда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари фаолиятини самарали ташкил этиш, икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

2016 йилнинг 13 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалаларига бағишланган тадбирлар режасини муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори ташкилий савияда ўтказишда участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ҳамда уларнинг сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган семинар-тренинглар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Тадбирлар республика онлайн семинар-тренинги, шунингдек участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида ҳудудий семинар-тренинглар шаклида ўтказилиши мўлжалланган. Бунда участка сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз беришни ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институти аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни очиклиги ва ошкоралигини таъминлашдаги роли сингари муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Кўриб чиқилган барча масалалар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

* * *

Жорий йилнинг 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида сайлов кампаниясида иштирок этаётган журналистлар учун амалий семинар ўтказилди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, Президент сайловини

ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ҳамда округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари ходимлари катнашди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов, Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари С. Артикова, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили У. Муҳаммадиев ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб кўйилган асосий сиёсий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаб келаётган, демократик стандартларга ҳар томонлама мос бўлган сайлов тизими яратилганини алоҳида қайд этди.

Сайловга бошқа давлат органларининг ҳар қандай аралашувисиз тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминлайдиган мустақил сайлов комиссияларини шакллантиришнинг демократик механизмлари жорий этилди. Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилгани ҳамда мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлилик Комиссия фаолиятининг асосий принциплари сифатида белгилаб кўйилгани бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда кейинги йилларда сайловларни ўтказиш бўйича мамлакатимизда тўпланган тажриба, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ҳамда халқаро кузатувчилар тавсияларини инобатга олган ҳолда Президент сайлови бўйича қонунчилик қоидалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада такомиллаштирилганига эътибор қаратилди. Бундай янгилик ва ўзгаришлар, хусусан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлаш кафолатларини кучайтиришда, сайлов комиссиялари фаолиятининг очиқлигини янада кенгайтиришда ўз аксини топди.

Бундан ташқари, қонунчиликда сайловолди ташвиқоти тушунчаси, унинг турлари, шакллари ва усуллари, қамокда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши белгилаб кўйилди, сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо варақалари миқдори мамлакатимиздаги жами сайловчилар умумий сонининг камида беш фоиздан бир фоизга камайтирилди, сайловга оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий қилинди.

Амалий семинар давомида оммавий ахборот воситалари вакилларига сайловга тайёргарлик жараёнлари тўғрисида атрафлича маълумот берилди. Хусусан, миллий сайлов амалиётимиз тарихида биринчи бор Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти

сайловга тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури тасдиқланди.

Бугунги кунда мазкур Дастур асосида сайлов органлари билан бир қаторда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Республика Байналмилал маданият маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан аҳолининг кенг қатлами вакиллари, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса биринчи марта овоз берадиган йигит-қизлар, нуронийлар, имконияти чекланган фуқаролар, қамокда сақлаш жойларида вақтинча сақланаётган шахслар ўртасида ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили идорасида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида «Ишонч телефони» ишга туширилгани ҳам шу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим амалий аҳамиятга эга экани таъкидланди. Фуқаролар «Ишонч телефони» орқали сайлов жараёнига тааллуқли масалалар юзасидан малакали юридик маслаҳат олиши мумкин. Бу восита сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий тадбирдаги фаоллигини юксалтириш, шунингдек уларнинг сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишларига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ ҳолатлар мониторингини юритиш ҳамда тезкорлик билан уларнинг олдини олиш чораларини кўриш имконини беради.

Мамлакатимиз фуқаролари юртимиздаги демократик ислохотлардан кенг хабардор, улар ўз овози мамлакатимизнинг тинчлиги ва барқарорлиги, давлат ва жамиятимизнинг келгуси тараққиёти учун ғоят катта аҳамиятга эга эканини чуқур англаб етмоқда.

Анжуманда алоҳида қайд этилганидек, ҳозирги пайтда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳаларида, жумладан сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 36,8 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Уларнинг 7 нафари комиссия раиси ўринбосари, 5 нафари комиссия котиби. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг шу кунларда бўлиб ўтаётган сессияларида участка сайлов комиссиялари таркибига киритиш учун тавсия этилаётган номзодларнинг аксарият қисми хотин-қизлардир.

Семинарда сайлов кампаниясини очиқ ва ошкора ташкил қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида мамлакатимиз аҳолиси ва халқаро ҳамжамиятни ўз вақтида, кенг хабардор қилиб боришда оммавий ахборот воситалари хал қилувчи ўрин тутаётгани алоҳида таъкидланди.

Шу маънода, сайлов комиссиялари бу масалада радио ва телевидение, босма ва интернет нашрлари билан фаол ва самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссиялари матбуот марказларида журналистлар учун зарур шароитлар яратилган. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссияларининг мажлисларида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда. Бундан ташқари, комиссияларнинг мажлислари бевосита матбуот марказларида, онлайн режимида ҳам ўтказилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Миллий телерадио-компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «UzReport» ахборот агентлиги ўртасида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш юзасидан имзоланган икки томонлама битимлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда.

Умуман, сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан буён Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида бу мавзуда 4380 тадан зиёд материаллар, шу жумладан марказий ва ҳудудий теле- ва радиоканалларда 1700 тадан зиёд интервью, сюжет ва лавҳалар, даврий нашрларда 1850 тадан ортиқ материаллар, Интернет нашрларида 820 тадан зиёд материаллар; хорижий оммавий ахборот воситаларида эса 600 тага яқин материаллар эълон қилинди. Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакиллари, округ сайлов комиссиялари томонидан эса 430 тадан зиёд маҳаллий журналистлар аккредитациядан ўтказилди.

Тадбирда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда очиқлик ва ошкораликни таъминлашда сайлов комиссиялари ва журналистларнинг долзарб вазифалари, мамлакатимиз миллий сайлов тизими ҳамда бу борадаги қонунчилик мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш, сайлов кампаниясини ёритишда журналистика жанрлари имкониятларидан, замонавий медиатехнологиялардан самарали фойдаланиш, сайлов комиссиялари билан ҳамкорликни янада кучайтириш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

* * *

2016 йилнинг 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган республика онлайн семинар-тренинги ўтказилди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари аъзолари, депутатлар, сайлов ҳуқуқи соҳаси бўйича олим ва мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқариб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг долзарб вазифаларига тўхталиб ўтди. Қайд этилганидек, сайлов кампаниясининг барча тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига қатъий мувофиқ равишда ўтказилмоқда. Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлилик каби демократик тамойиллар асосида амалга оширмоқда.

Таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда участка сайлов комиссияларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилигимизга кўра участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5–19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Шунингдек, участка сайлов комиссияси участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузади, сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилади, бинони овоз бериш учун тайёрлаб қўяди, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз беришини ташкил этади. Шу билан бирга участка сайлов комиссияси овозларни санаб чиқади, участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда овоз беришни уюштириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Семинарда сайлов участкаларини жиҳозлаш, «Она ва бола» ҳамда тиббиёт хоналарини ташкил этиш, комиссиянинг самарали иш фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш каби масалалар муҳокама этилди. Участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш, сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари, овоз бериш жараёнини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилиш сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

Экспертлар халқаро ва маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ишлаш, жойларда сайловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек сайловнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида фикр юритдилар.

Таъкидлаш керакки, мазкур тадбир участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга қаратилган уч босқичли семинар-тренинглarning дастлабки хисобланади. Шунга ўхшаш семинар-тренинглр вилоятлар ва туманларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда экспертлари иштирокида ташкил этилади.

Тадбир иштирокчиларига Марказий сайлов комиссияси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида яратилган участка сайлов комиссияси фаолиятини самарали ташкил этишга бағишланган ўқув фильми намоиш этилди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

* * *

2016 йилнинг 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик мавзусига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар, Адлия вазирлиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи мутахассислар иштирок этди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси эркинлаштирилиши ва модернизация қилиниши натижасида демократик талабларга жавоб берадиган замонавий сайлов тизими яратилди. Сайловларнинг умумэътироф этилган халқаро тамойилларига мос, фуқаролар хоҳиш-иродасини эркин билдириши кафолатларини, ҳар бир инсоннинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган қонунчилик ривожланиб бормоқда. Сайлов жараёнида очиқлик ҳамда ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий давоми бўлди. Бош Қомусимизга киритилган ушбу ўзгартиш ҳамда қўшимчалардан келиб чиқиб, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси саккизта моддadan иборат «Сайловлар ва референдумларни ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган V¹ боб билан тўлдирилди.

Сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилиши сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқроқ амалга оширилиши, сайлов тизимини янада демократлаштирилиши, сайловнинг очиқ ҳамда ошкоралиги тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, ишончли вакил ҳамда кузатувчининг ҳуқуқларини, сайловолди ташвиқоти шартлари ва тартибини бузиш каби ҳаракатлар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод ёхуд сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этиш ҳам маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилишига олиб келади.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ сайлов комиссиялари ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва мансабдор шахслардан мустақилдир. Зеро, сайлов жараёнини қонуний, адолатли ҳамда сайловнинг барча иштирокчиларига тенг шароитларда ташкил этиш учун сайлов комиссияси аъзоларининг мустақил ҳолда иш юритишлари ғоят муҳим тамойил ҳисобланади. Унинг амалда таъминланмаслиги сайловларнинг демократик моҳиятига жиддий путур етказиши.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорларини бажармаслик мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Шу боисдан сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритишни расмийлаштириш юзасидан услубий тавсиялар тасдиқланди.

Мазкур тавсияларга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, баённомани Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сайловни ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари аъзолари тузишлари мумкин. Баённома тузиш учун сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари, номзодларнинг ишончли вакилларининг аризалари, участка сайлов комиссияларининг хабарлари, фуқароларнинг аризалари, корхоналар, муассасалар, ташки-

лотлар, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг хабарлари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари асос бўлади.

Сайлаш ва сайланиш фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, ушбу ҳуқуқлар жиноят қонунчилиги билан ҳам муҳофаза қилинади.

Тадбирда эътироф этилганидек, сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланиши сайлов эркинлиги принципининг тўлиқ амалга оширилиши, мамлакатимиз сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайловнинг очиқ-ошкоралиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

* * *

Шу йилнинг 21 октябрь куни сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг вакиллари Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларини рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатлар тақдим қилдилар.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари – съезди ёки курултойи томонидан амалга оширилади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга асосан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, партиянинг ваколатли вакили Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатлар тақдим этди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 24²-моддасига асосан сиёсий партиянинг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори; сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари илова қилинди.

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ваколатли вакиллари

ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларини рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатлар тақдим этди.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича экспертлар гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг таркибида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг мутахассислари фаолият юритмоқда.

* * *

Жорий йилнинг 22 октябрь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ваколатли вакили Марказий сайлов комиссиясига сиёсий партия томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партия ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қонунчиликка асосан сиёсий партия раҳбарининг Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб ёзган аризаси тақдим этилди.

Аризага Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси VIII съездининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, съезднинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, партия томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзо варақалари илова қилинди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома берди. Тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунда белгиланган муддатда сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқлиги кўриб чиқилади.

* * *

Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссиясида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини

текшириш бўйича экспертлар гуруҳлари ўз ишини давом эттирмоқда. Уларнинг таркибида ички ишлар, адлия органларининг, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассислари, шунингдек жамоатчилик вакиллари бор.

Қонунга асосан текшириш учун имзо варақалари танлаш йўли билан ажратиб олинishi мумкин. Бунда текшириш учун ҳар бир сиёсий партия томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб тўпланган сайловчилар имзоларининг тенг миқдордаги сони ажратиб олинади.

Сайловчилар имзолари ва сайлов варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар зарур миқдорининг камида 15 фоизи текширувдан ўтказилади.

Экспертлар гуруҳи аъзолари ҳар бир имзо варақасини кўздан кечирадилар, бунда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига, йўл қўйилган тузатишлар, ўчириб ёзилган жойлар мавжудлигига, турли шахслар томонидан тўлдирилганлигига, ўхшаш имзолар, қўшимча имзо билан тасдиқланган тузатишлар мавжудлигига алоҳида эътибор берадилар.

Кўздан кечириш пайтида камчиликлари аниқланган ёки шубҳа туғдирадиган ноаниқликлари мавжуд имзо варақалари батафсил текшириш учун ажратиб олинади.

Экспертлар гуруҳи имзо варақаларини текширишни ўтказаетган хонада сиёсий партияларнинг вакиллари ҳозир бўлмоқда.

Текшириш тугаганидан сўнг баённома тузилиб, унда сайловчиларнинг тақдим этилган имзолари сони, сайловчиларнинг текширилган имзолари сони, сайловчиларнинг ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолари сони кўрсатилади. Баённоманинг нусхаси сиёсий партиянинг вакилига берилади.

Ушбу баённома Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорини қабул қилиш учун асос ҳисобланади ва унга илова қилинади.

Жорий йилнинг 24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг сайловлардаги иштирокига бағишланган республика семинари ўтказилди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий тузилмалари, Марказий сайлов комиссияси, Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, «Олима аёл» уюшмаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди масъул

ходимлари, вазирлик, идора ва олий ўқув юртларидаги бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари раислари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Баситханова ва бошқалар юртимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаб келаётган, демократик стандартларга мос бўлган сайлов тизими яратилганлигини қайд этишди.

Тадбирда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 80 дан ортиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, Конституциямизда барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгиланган. Бундан ташқари, Асосий Қонунимизнинг 46-моддаси аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги тўғрисидаги нормани ўзида мужассам этган.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида жойларда фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятининг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Сайлов жараёнлари бевосита фуқароларнинг ижтимоий фаолликларини ошишига ҳамда уларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятининг янада юксалишига хизмат қилади.

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш борасидаги кенг кўламли ислохотлар ривожини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишга ҳам узвий боғлиқ. Шу боис сайлов жараёнининг барча босқичларидан

сайловчиларнинг хабардор бўлиши, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, шу жумладан хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим ҳисобланади. Бу эса уларнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлақонли риоя этишлари ва сайлов куни ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишларини таъминлайди.

Бугунги кунда юқорида зикр этилган Дастур доирасида ишлаб чиқилган «Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштироки» мавзусида тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасига биноан хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган ташвиқот ишлари изчил амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, марказий ва маҳаллий телерадиоканалларда миллий қонунчилигимизда белгиланган хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари, уларнинг сайловдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ҳамда мақолалар тайёрланмоқда.

Семинарда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларда хотин-қизлар кўмиталари, уларнинг бошланғич ташкилотлари ва фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ўрни, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти, округ ва участка сайлов комиссияларининг асосий вазифалари, улар ишида хотин-қизларнинг иштироки, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли кабилар ҳақида атрафлича сўз юритилди.

Тадбирда «Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштироки» мавзусидаги давра суҳбатлари ва учрашувларни олий ўқув юртлари, жойлардаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат жамоалари, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларидаги бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари ва аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда уй бекалари ўртасида ўтказиш атрафлича муҳокама қилинди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш бўйича тарғибот ишларининг изчил олиб борилиши, уларнинг ўз овози давлатимиз ва жамиятимизнинг келгуси тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканликларини англаб етишларига хизмат қилиши эътироф этилди.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

* * *

28 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Наримон Маджитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакиллари рўйхатга олиш ҳамда Комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун онлайн режимида брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов тадбир иштирокчиларини Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақида хабардор қилди.

Сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига асосан сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси

томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилади ва таъминланади.

Хусусан, сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, «Тошкент» телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилади.

«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 6 саҳифадан, «Нурлы жол» ва «Овози тожик» газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Шунингдек, номзодларнинг ҳар бири республикамиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситасидан, яъни махсус конструкциялар, экранлар, билбордлардан ўз дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланадилар. Республикамининг 36 та электрон мониторида ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилайдилар.

Таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш тамойили партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

Брифинг мобайнида тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9378 та, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус белгиланган жойларда яширин овоз бериш учун сайлов кабиналари, сайлов қутилари ўрнатилган.

Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркиблари шакллантирилиб, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинган. Комиссия аъзоларининг 69 фоизи илгари сайлов комиссияларининг фаолиятида бевосита иштирок этган ва муайян тажрибага эга фуқаролардир. Участка сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар сони 47,4 фоизни ташкил этади. Участка сайлов комиссиялари раисларининг 26,7 фоизи хотин-қизлардир.

Брифингда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масалаларига, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотлардан фойдаланишлари учун барча шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Ҳозирга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакили, округ сайлов комиссиялари томонидан қарийб 560 нафар маҳаллий журналист аккредитациядан ўтказилди.

* * *

2016 йилнинг 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида видеоконференц-алоқа шаклида «Оммавий ахборот воситалари ва сайловолди ташвиқоти» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Таъкидланганидек, оммавий ахборот воситалари эркин демократик сайловларни ўтказишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Сайлов жараёнида барча фуқароларга сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек сайлов жараёнининг моҳияти ҳақида тўлиқ ахборот олиш шарт-шароитлари таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси ҳал қилувчи палласига кирди. Шу йилнинг 28 октябридан сайловолди ташвиқоти бошланди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга асосан сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Номзодларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони, нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти ўтказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Шу сабабли Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, «Тошкент» телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратди.

Номзодларга «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 6 саҳифадан, «Нурлы жол» ва «Овози тожик» газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Таъкидланганидек, сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситалари номзодлар учун ошкоралик ва очиқлик муҳитини яратишга кўмаклашишлари ва улар билан боғлиқ ҳар қандай очиқ ахборотни тезкорлик билан, ҳаққонийлик, тенглик ва холислик асосида тарқатишлари талаб этилади. Ахборот дастурлари ва бошқа ахборот материалларида номзодларнинг сайловолди фаолиятини ёритиб беришда оммавий ахборот воситалари тенг шароитлар, шу жумладан дастурнинг давомийлиги ва ҳажми бўйича тенг шароитлар яратиб берилишини таъминлайди.

Бунда пулли эфир вақтини ёки чоп этиш майдонини ажратиш билан боғлиқ муносабатлар оммавий ахборот воситалари ва сиёсий партиялар ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, номзодлар ва сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

Семинар эркин фикр алмашиш тарзида ўтди, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

* * *

2016 йилнинг 1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида жойларда участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренинглари уюшқоқлик билан ташкил этиш масалаларига бағишланган экспертлар гуруҳларининг йиғилиши видеоконференцалоқа шаклида ўтказилди.

Тадбирда Марказий, округ сайлов комиссиялари аъзолари, депутатлар, сайлов ҳуқуқи соҳаси бўйича олим ва мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қайд этилганидек, Марказий сайлов комиссиясининг 13 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалаларига бағишланган тадбирлар режаси қабул қилинган эди. Ушбу режа асосида республика семинар-тренинги шу йилнинг 20 октябрь куни ўтказилди.

1–10 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил

институти томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ҳамда уларнинг сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этиш белгиланган.

Шуни ҳисобга олган ҳолда йиғилиш иштирокчилари участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренингларни уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, ўтказиладиган тадбирлардан мақсад участка сайлов комиссиялари барча аъзоларини қамраб олган ҳолда комиссия фаолиятининг муҳим жиҳатларига, чунончи сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз беришни ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институти аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни очиклиги ва ошкоралигини таъминлашдаги роли сингари муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишдир.

Сўзга чиққанлар ҳудудий семинар-тренингларни эркин фикр алмашув, савол-жавоб тарзида ўтказиш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини билдиришди.

* * *

2016 йилнинг 2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари Йохан Петер Трауготт Тейлер бошчилигидаги кузатувчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов Комиссиянинг ЕХХТ ДИИХБ билан ҳамкорлиги самарали ривожланиб бораётгани ва ижобий натижалар бераётганини таъкидлади. ДИИХБ расмий веб-сайтида жорий йилнинг 21 октябрида эълон қилинган ҳисоботида айтилганидек, Ўзбекистонда сайлов кампаниясининг барча босқичлари қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Ҳисоботда 2015 йилнинг март ойида ўтказилган президентлик сайлови яқунларига кўра ўша йилнинг декабрь ойидаёқ «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ижобий баҳоланди. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок эта олишини енгиллаштириш мақсадида президентликка номзод кўрсатиш учун зарур бўладиган имзолар сонининг қисқартирилгани,

сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни ўтказиш шакллари, турлари ва усуллари тўғрисидаги норманинг мустаҳкамлаб қўйилгани, қамокда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва жараёни мустаҳкамлаб қўйилгани, овоз бериш бошланишига бир кун қолганида «сукунат куни» ўрнатилиши ҳамда бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар алоҳида қайд этилган.

Марказий сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, номзодлар кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаб тўпланган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиб-таомилини, сайловолди ташвиқоти ташкил этилишини ҳамда сайлов кампанияси молиялаштирилишини, шикоят ва аризалар кўриб чиқилишини, шу жумладан маъмурий ҳуқуқбузарликлар расмийлаштирилишини, шунингдек кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда бурчларига оид масалаларни тартибга солиб турувчи ҳужжатларни янгилади.

Учрашувда ЕХХТ ДИИХБ миссияси фаолияти, унинг Ўзбекистонда сайловни кузатиш бўйича Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Таъкидлаш лозимки, Бюронинг сайловни кузатиш бўйича миссияси таркибига асосий гуруҳ билан бирга 20 нафар узоқ муддатли кузатувчилар, овоз бериш куни сайлов участкаларида кузатувни амалга оширадиган 250 нафар қисқа муддатли кузатувчилар киритилган.

Шу йилнинг 5 ноябрь куни мамлакатимизга келадиган узоқ муддатли кузатувчиларнинг вазифаси юртимизда сайлов жараёнининг турли босқичларини кузатишдан иборат. Кузатув натижалари Бюрога сайлов жараёни ҳақида тўлалигича ҳисобот тузиш имконини беради.

Шунингдек, жорий йилнинг 2–6 декабрь кунлари фаолият юритиши назарда тутилган қисқа муддатли кузатувчиларнинг вазифалари уларга бириктирилган ҳудудда сайлов куни кузатувни амалга ошириш, ўз хулосалари натижаларини Бюронинг қароргоҳига етказишдан иборат.

Таъкидлаш лозимки, сайловни кузатиш бўйича тўлиқ таркибдаги миссия Марказий сайлов комиссиясининг таклифи ҳамда мамлакатимиз мазкур муҳим сиёсий тадбирни халқаро стандартларга мувофиқ очик ва ошкора ўтказишга тайёрлиги эътиборга олиниб, Ўзбекистонга илк мартаба юборилмоқда.

* * *

Жорий йил 5 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида «Маҳалла» фонди республика бошқаруви томонидан Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида

сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган республика семинари ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов, «Маҳалла» фонди республика бошқаруви раиси Ж. Иноғомов ва бошқалар юртимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаётган, демократик стандартларга мос бўлган сайлов тизими яратилганлигини қайд этишди.

Жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб борилиши натижасида бугунги кунда фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд вазифалар муваффақиятли бажариб келинаётганлиги, маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланаётганлиги, шунингдек уларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати самарали олиб борилаётганлиги эътироф этилди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда фуқароларга истиклол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Жамиятни янада янгилаш ва демократлаштириш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи амалга оширилиши билан ҳам узвий боғлиқ. Шу боис сайлов жараёнининг барча босқичларидан сайловчилар хабардор бўлиши, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, шу жумладан аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим ҳисобланади. Бу эса уларнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлақонли риоя этишлари ва сайлов куни ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишларини таъминлайди.

Бугунги кунда юқорида зикр этилган Дастур доирасида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасига биноан, аҳолининг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган ташвиқот ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, уларнинг сайлов жараёнидан хабардорлик даражасини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда «Мен шахсан ўзим овоз бераман», «Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз», «Менинг овозим Ватан келажигига дахлдор», «Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз», «Сайловчилар рўйхатида бормисиз?» деган мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Семинарда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларда фуқаролар йиғинлари раислари ва жамоатчилик комиссияларининг ўрни, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моҳияти ва аҳамияти, участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишда маҳалла фаолларининг роли кабилар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Тадбирда сайловга тайёргарлик кўриш даврида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирларини аҳоли ўртасида, оилаларда изчил давом эттириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.